 $7 + 7 + 7 + 7 * 7 \cdot 4$ $2 \cdot 5 + 2 * 2 \cdot 6$
 $9 + 9 + 9 + 9 * 9 \cdot 5$ $2 \cdot 7 + 2 * 2 \cdot 9$
 $6 + 6 + 6 + 6 * 6 \cdot 5$ $2 \cdot 8 + 2 * 2 \cdot 7$

264. $100 - 86 + 27$ $90 - (6 + 28)$ $2 \cdot 3$
 $83 - 40 + 16$ $70 - (4 + 39)$ $2 \cdot 9$
 $55 - 27 + 38$ $60 - (5 + 46)$ $2 \cdot 5$
 $81 - 30 + 19$ $50 - (9 + 23)$ $2 \cdot 8$


265.



$$6:2=3$$

$$6:3=2$$

$$2 \cdot 3=6$$



$$12:3=4$$

$$12:4=3$$

$$3 \cdot 4=12$$



$$20:5=4$$

$$20:4=5$$

$$5 \cdot 4=20$$

Агар бўлинувчи бўлинмага бўлинса, бўлувчи ҳосил бўлади. Агар бўлувчи бўлинмага кўпайтирилса, бўлинувчи ҳосил бўлади.

266. Ҳар бир устуннинг биринчи мисолини, еч, иккинчи ва учинчи мисоллар биринчи мисолдан қандай ҳосил қилинганини тушунтири. Уларни еч.

$$18:2=$$

$$18:9=$$

$$2 \cdot 9=$$

$$10:5=$$

$$10:2=$$

$$5 \cdot 2=$$

$$8:4=$$

$$8:2=$$

$$4 \cdot 2=$$

$$15:3=$$

$$15:5=$$

$$3 \cdot 5=$$

267. Бир эгатга ҳар бир қаторга 8 тупдан 3 қатор, иккинчи эгатга 15 туп помидор кўчати экилди. Шу икки эгатга ҳаммаси бўлиб неча туп помидор кўчати экилган?

268. 1) 12 тийинга 2 та бир хил конверт сотиб олинди. Конверт қанча туради?


2) Нархни топишга доир иккита масала туз.

269. Ёзувлар тўғри бўладиган сонларни танла:

$$5+5=\square \cdot 2 \quad | \quad 9+8>9+\square \quad | \quad 12-4<12 \quad \square$$

270. 1) Берилган учбурчак томонлари узунлик-ларининг йиғиндисини топ.

2) Иккита шундай учбурчак чиз ва қийиб ол. Улардан битта учбурчак ва турли түртбүрчаклар туз.



271. $2 \cdot 8$ $9 \cdot 2 + 16$ $26 + 19 + 24$ $89 - 44 - 35$
 $2 \cdot 7$ $6 \cdot 2 - 7$ $47 + 35 + 13$ $93 - 48 - 45$

272. Қуйидаги ёзувлар түғрими, текшириб күр:

$$9 \cdot 3 = 27$$

$$2 \cdot 7 > 2 \cdot 6$$

$$16 - 8 = 16$$

$$2 \cdot 9 < 9 \cdot 2$$

$$6 + 9 = 9 + 6$$

$$37 + 6 > 37$$

$$11 + 9 = 20 - 1$$

$$20 + 8 < 20$$

Булар тенгликлар. Булар тенгсизликлар.

Бир устунга түғри тенгликларни, иккинчи устунга түғри тенгсизликларни ёз.

273. Қуйидаги ифодалардан фойдаланиб, иккита тенглик ва иккита тенгсизлик ёз:

$$23 + 12 \quad 40 - 16 \quad 12 + 23 \quad 40 - 5$$


274. 4 та бир хил банка бўёқ учун 8 сўм тўланди. Бир банка бўёқ қанча туради?

275. Берилган кесма узунлигига тенг кесма чиз ва уни ҳар бири 3 см бўлган қисмларга ажрат. Нечта қисм бўлди?

276.

Бўлинувчи	12		18		14	
Бўлувчи	6	2		2		4
Бўлинма		5	2	8	2	2

277. Мактаб ремонти учун биринчи куни 28 та хода, иккинчи куни ҳар бир машинага 9 тадан ортилган 4 машина хода келтирилди. Шу икки кунда ҳаммаси бўлиб нечта хода келтирилган?



278.	$(59 - 51) \cdot 2$	$2 \cdot 9 + 27$	$38 - 38 + 0$
•	$(42 - 35) \cdot 2$	$2 \cdot 6 + 59$	$0 + 56 - 47$
	$(63 - 58) \cdot 2$	$2 \cdot 4 + 71$	$86 + 0 - 67$

279. **12:4.** Бўлинувчи 12 ни ҳосил қилиш учун бўлувчи 4 ни қандай сонга кўпайтириш кераклигини топамиз.

$4 \cdot 2 = 8$, 2 сони тўғри келмайди.

$4 \cdot 3 = 12$, демак, $12:4 = 3$.

Шундай мулоҳаза юритиб, бўлинмани топ:

$8:4 =$	$6:3 =$	$9:3 =$	$10:5 =$
$4 \cdot 2 = 8$	$3 \cdot 2 = 6$	$3 \cdot 3 = 9$	$5 \cdot 2 = 10$

280. Бўлинмани ҳисобла:

$16:8$ $12:2$ $18:9$ $14:2$

- 281.** 1) Сомса 5 тийин туралди. 10 тийинга неча сомса олиш мүмкін?
 2) Маълум баҳо ва жами пули бўйича миқдорни топишга доир иккита масала туз. Бу масалаларни еч.
- 282.** Чизғич, қаламдан ва альбом 95 тийин туради. Чизғич 12 тийин, қаламдан 48 тийин. Альбом қанча туради?
- 283.** Буви невараларига 4 жуфт қўлқоп тўқиди. У неча дона қўлқоп тўқиган?
- 284.** Юлдузча ўрнига + ёки — ишорасини шундай қўйгинки, тўғри тенгликлар ҳосил бўлсин:

$$76 * 4 * 7 = 73$$

$$38 * 5 * 6 = 39$$

$$89 * 3 * 6 = 92$$

$$98 * 9 * 2 = 87$$

285.

1 · 5



5 отга 1 тадан киши минган. Неча киши отминган?

286. Қўшишдан фойдаланиб, натижани топ:

$$1 \cdot 2 \quad 1 \cdot 3 \quad 1 \cdot 4 \quad 1 \cdot 6 \quad 1 \cdot 7$$

Нима учун 1 ни ҳар қандай сонга кўпайтирганда ўша кўпайтирган соннинг ўзи чиқшини тушунтириш.

- 287.** $1 \cdot 14$ $1 \cdot 52 + 18$ $(80 - 79) \cdot 24$ $1 \cdot (67 + 18)$
 $1 \cdot 38$ $1 \cdot 64 - 36$ $(60 - 59) \cdot 75$ $1 \cdot (60 - 27)$
- 288.** Шундай сонларни танлагинки, тўғри тенглик ёки тўғри тенгсизлик ҳосил бўлсин:
 $9 \cdot 6 = 6 \cdot \square$ $8 \cdot 2 > \square$ $6 : 3 < \square$ $56 - 8 < \square$
- 289.** (Оғзаки.) 1) Бўлинувчи 12, бўлинма 4. Бўлувчини топ.
 2) Бўлувчи 2, бўлинма 5. Бўлинувчини топ.
 3) Биринчи кўпайтувчи 5, кўпайтма 10. Иккинчи кўпайтувчини топ.
- 290.** 2 пачка туз учун 14 тийин тўланди. Тузнинг бир пачкаси қанча туради?
- 291.** Колхозчилар шаҳарга театрга боришли. Учта енгил машинанинг ҳар бирига 5 кишидан жойлашди, қолган 35 киши автобусга ўтирди. Театрга ҳаммаси бўлиб нечта колхозчи борган?
- 292.** $6 \cdot 2 + 9$ ифода бўйича 291-масалага ўхаш масала туз.
- 293.** $18 : 9$ $16 : 8$ $14 : 7$ $12 : 2$ $4 : 2$
● $14 : 2$ $12 : 6$ $18 : 2$ $10 : 2$ $16 : 2$

□ · 1

Эсада тут:

Ҳар қандай сонни бирга кўпайтирганда кўпайтирилган соннинг ўзи ҳосил бўлади.
 Масалан: $3 \cdot 1 = 3$ $42 \cdot 1 = 42$

- 294.** $7 \cdot 1$ $32 \cdot (48 - 47)$ $(70 - 69) \cdot 14$ $1 \cdot 6$
 $9 \cdot 1$ $(61 - 24) \cdot 1$ $27 \cdot (30 - 29)$ $6 \cdot 1$
- 295.** Ёш табиатшунослар 2 жўякнинг ҳар бирдан 9 кг дан пиёз териб олдилар. З кг ни уруғликка қолдирдилар, қолганини мактаб ошхонасига бердилар. Ошхонага неча килограмм пиёз бердилар?
- 296.** Тўртта «Волга» машинасида нечта ғилдиррак бор?
- 297.** $36:4=9$ $42:6=7$ $28:7=4$ $40:8=5$
 $9 \cdot 4 =$ $6 \cdot 7 =$ $7 \cdot 4 =$ $8 \cdot 5 =$
 $36:9 =$ $42:7 =$ $28:4 =$ $40:5 =$
- 298.** $7 \cdot 2 + 7$ $12:4$ $(43 - 29):7$ $(5 + 7):2$
 $8 \cdot 2 + 8$ $18:2$ $(52 - 44) \cdot 2$ $(7 + 9):8$
- 299.** Колхозда буғдой йиғим-теримида ўтган йили 8 та комбайн, бу йил 12 та комбайн ишлади. Бу йил буғдой теримида нечта ортиқ комбайн ишлади?



300. $\frac{3:1=}{1 \cdot 3=3}$ $\frac{5:1=}{1 \cdot 5=5}$ $\frac{18:1=}{1 \cdot 18=18}$ $\frac{25:1=}{1 \cdot 25=25}$

Ҳар қандай сонни бирга бўлганда бўлинмада бўлинган сон ҳосил бўлади.

301. $8:1$ $(90 - 45) \cdot 1$ $16 \cdot 1:2$ $9 \cdot 2:1$
 $15:1$ $1 \cdot (36 - 19)$ $12:1:6$ $2 \cdot 6:1$

302.  $5 + 2 * 5 \cdot 2$ $7 \cdot 1 * 7 + 1$
 $6 + 1 * 6 \cdot 1$ $9 \cdot 2 * 9 - 2$

303. Расмдан фойдаланиб, ифодалар нимани билдиришини айт:
 1) $2 \cdot 4$ 2) $8:4$ 3) $8:2$



2 сўм



2 сўм



2 сўм



2 сўм

304. 12 тийинга конверт олинди, ҳар бир конверт 6 тийиндан. Неча дона конверт олинган? Бунга тескари иккита масала туз ва уларни еч.
305. Бир оила қиши учун 9 та икки литрли ва битта 10 литрли банкада шарбат тайёрланган. Ҳаммаси бўлиб неча литр шарбат тайёрланган?

10 · 4	4 · 10	40 : 4	40 : 10
--------	--------	--------	---------



10 ни 2 га күпайтириш учун 1 та ўнликни 2 га күпайтириш керак, 2 та ўнлик ёки 20 ҳосил бўлади, у ҳолда, $2 \cdot 10 = 20$ ва $20 : 2 = 10$, $20 : 10 = 2$.

- 306.** Шундай муроҷаза юритиб, мисоллар усту-
ни давом эттири:

$$\begin{array}{llll} 10 \cdot 2 = & 2 \cdot 10 = & 20 : 2 = & 20 : 10 = \\ 10 \cdot 3 = & 3 \cdot 10 = & 30 : 3 = & 30 : 10 = \end{array}$$

Биринчи устунда охирги мисол $10 \cdot 10$ бў-
лиши керак.

307.

10 · 7	10 · 9	8 · 10	40 : 4	7 · 1
7 · 10	90 : 10	80 : 10	60 : 10	7 · 10
70 : 10	9 · 10	80 : 8	30 : 3	9 : 9
70 : 7	90 : 9	10 · 8	50 : 10	8 · 1

- 308.** Буфетчи 50 та бутербродни 5 та тарелкага
тeng бўлиб қўйди. Ҳар бир тарелкага неч-
та бутерброд қўйилган?

- 309.** Карамнинг килограмми 10 тийин. 2 кг ка-
рам қанча туради? 3 кг-чи? 5 кг-чи? 8 кг-чи?

310.

98 – (36 + 18)	29 + 35	23 : 23	12 : 6 · 9
● (52 + 17) – 17	61 – 48	48 · 1	16 : 8 · 4

Мұстақамлаш үчүн машқлар.

1. 1) $78 - 14 - 38$ $54 - 5 + 16$ $9 - 0$
 $27 - 9 + 13$ $81 + 17 - 18$ $5 + 0$

2) $70 - 15 - 25$ $24 + 17 + 13$ $18 + 0$
 $70 - 16 - 26$ $24 + 18 + 14$ $0 + 19$

2. Қүшишга доир мисолларни күпайтиришга
доир мисоллар билан алмашти:

$$6 + 6 + 6 + 6 + 6 \quad 10 + 10 + 10 \quad 0 + 0 + 0$$

3. Күпайтиришга доир мисолларни қүшишга
доир мисоллар билан алмашти:

$$9 \cdot 3 \quad 4 \cdot 5 \quad 10 \cdot 3 \quad 8 \cdot 2 \quad 9 \cdot 5$$

4.	$2 \cdot 4$	$(15 - 9) \cdot 2$	$16 : 2$	$12 : 6$	$18 : 9$
	$7 \cdot 2$	$(12 - 7) \cdot 2$	$10 : 5$	$16 : 8$	$6 : 2$
	$9 \cdot 2$	$(11 - 9) \cdot 6$	$18 : 2$	$14 : 2$	$12 : 2$

5. 1)	$7 \cdot 1$	$56 : 56$	$94 \cdot 1$	$(28 - 27) \cdot 15$
	$5 : 5$	$35 \cdot 1$	$1 \cdot 29$	$91 \cdot (78 - 77)$

2)	$20 : 10 \cdot 3$	$5 \cdot 10 - 26$	$80 : 10 + 49$
	$40 : 4 \cdot 6$	$10 \cdot 7 - 38$	$(82 - 74) \cdot 10$

6. Қуидагилар ажойиб квадратлар бўладими? Текшириб кўр:

9	8	13
14	10	6
7	12	11

40	5	30
15	25	35
20	45	10

11	10	15
16	12	8
9	14	13

7.

Кўпайтувчи	2	9		2		8	
Кўпайтувчи	9		5		3		2
Кўпайтма		18	10	14	6	16	12

8. $4 \text{ дм} = \square \text{ см}$ $75 \text{ см} = \square \text{ дм } \square \text{ см}$
 $60 \text{ см} = \square \text{ дм}$ $38 \text{ дм} = \square \text{ м } \square \text{ дм}$
9. $4 \cdot 7 = 28$ $5 \cdot 6 = 30$ $9 \cdot 3 = 27$ $6 \cdot 4 = 24$
 $4 \cdot 8 =$ $6 \cdot 6 =$ $9 \cdot 4 =$ $7 \cdot 4 =$
10.  $8 \cdot 9 * 9 \cdot 8$ $3 + 3 + 3 * 3 \cdot 2 + 3$
 $7 \cdot 3 * 4 \cdot 7$ $5 \cdot 4 * 5 \cdot 3 - 5$

11. Намуна бўйича мисоллар туз ва еч:

$$\begin{array}{llll} 7 \cdot 3 = 21 & 6 \cdot 4 = & 18 : 6 = 3 & 20 : 2 = \\ 3 \cdot 7 = 21 & & 3 \cdot 6 = 18 & \\ 21 : 7 = 3 & & 6 \cdot 3 = 18 & \\ 21 : 3 = 7 & & 18 : 3 = 6 & \end{array}$$


12. Қуйидаги ифодалардан фойдаланиб, иккита тўғри тенглик ва иккита тўғри тенгсизлик туз:

$$6 \cdot 2 \quad 16 - 7 \quad 3 + 9 \quad 18 : 2$$

13. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини топ:

- 1) 7 ва 8, 15 ва 9, 49 ва 24 сонларининг йиғиндиси.
- 2) 24 ва 5, 30 ва 18, 40 ва 9 сонларининг айирмаси.
- 3) 7 ва 2, 2 ва 5, 8 ва 2 сонларининг кўпайтмаси.
- 4) 6 ва 2, 10 ва 5, 12 ва 6 сонларининг бўлинмаси.

14.



Масалаларни еч, иккитадан тескари масалалар түз ва уларни еч:

- 1) 12 м узунликдаги резина шланкага иккинчи шланка улангандан кейин, унинг узунлиги 20 м бўлди. Қандай узунликда шланка уланган?
- 2) Отам 12 та балиқ тутиб келди. Онам балиқ шўрва пиширгандан кейин, яна 7 та балиқ қолди. Шўрвага нечта балиқ солинган?

15. Машиначи 3 та кўйлакка 6 ҳадан тугма қадади. У ҳаммаси бўлиб нечта тугма қадаган?

16. Ўрмондан 27 та йўғон хода олиб келиш керак. Трактор ҳар сафар 9 та хода тортиб келади. Трактор ходани ташиш учун ўрмonga неча марта қатнаши керак?

17.

Камаювчи			48	17	11	
Айриловчи	16	28		17		19
Айирма	34	40	12		5	19

18.



Колхозчилар бир даладан 46 ғарам беда ўришди, иккинчи даладан, биринчига қараганда, 8 ғарам ортиқ беда ўришди. Колхозчилар шу икки даладан неча ғарам беда ўришган?

19. Тоҳир коллекция учун 18 та марка тўплади ва уларни альбомнинг 3 та варағида баравардан жойлади. Бу варақларнинг ҳар бирида нечтадан марка бор?
20. 40 кг печенъени ҳар яшикка 10 кг дан қилиб жойлаш учун нечта яшик керак бўлади?
21. Бир стакан чой 3 тийин турари. 4 стакан чой қанча турари?
22. 2 м шойи 8 сўм турари. 1 метр шойи қанча турари?
23. 1) Ҳар бир кўпбурчак томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.
2) Уларда тўғри бурчакларни топ.



Кўпайтириш ва бўлиш жадвали.

2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2	+ 2
■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■	■ ■
2	4	6	8	10	12	14	16	18	

311.

$$2 \cdot 2 = 4$$

$$4:2$$

$$2 \cdot 3 = 6$$

$$3:2$$

$$6:3$$

$$2 \cdot 4 = 8$$

$$4:2$$

$$8:4$$

$$2 \cdot 5 = 10$$

$$5:2$$

$$10:5$$

$$2 \cdot 6 = 12$$

$$6:2$$

$$12:6$$

$$2 \cdot 7 = 14$$

$$7:2$$

$$14:7$$

$$2 \cdot 8 = 16$$

$$8:2$$

$$16:8$$

$$2 \cdot 9 = 18$$

$$9:2$$

$$18:9$$

312.

$$4 \cdot 2 \quad 18:2$$

$$2 \cdot 7 - 13$$

$$60:10$$

$$14 \cdot 1$$

$$2 \cdot 5 \quad 16:8$$

$$9 \cdot 2 - 14$$

$$10 \cdot 8$$

$$1 \cdot 28$$

$$6 \cdot 2 \quad 12:2$$

$$2 \cdot 6 - 11$$

$$70:7$$

$$36:1$$

313. Мактаб буфетига ҳар бирида 9 кг дан 10 яшик олма келтирилди. Тушгача 54 кг олма сотилди. Неча килограмм олма қолди?
314. Бочкачадан 5 банкага 2 кг дан асал қуйиб олингандан кейин унда 3 кг асал қолди. Бочкачада неча килограмм асал бўлган?
315. Қайси сон 27 дан 9 та ортиқ? 27 да 9 та кам?
316. 30 гача 3 талаб қўш.
317. Узунлиги берилган кесма узунлигидан 5 см ортиқ бўлган кесма чиз. Бу кесманинг узунлигини топ.

2 га бўлинувчи сонлар жуфт сонлар дейилади. Масалан: 2, 6, 10, 14.

2 га бўлинмайдиган сонлар тоқ сонлар дейилади. Масалан: 3, 7, 9, 17.


318. 2 дан 20 гача ҳамма жуфт сонларни ёз.
1 дан 19 гача ҳамма тоқ сонларни ёз.

319. 1) Маликнинг 35 тийини, Ойнисанинг 25 тийини бор эди. Агар кинога билет 10 тийин турса, улар биргаликда бу пулларига нечта билет сотиб олиши мумкин?
2) $(9+7):2$ ифода бўйича шунга ўхшаш масала туз.

320. Тўпдаги читдан икки харидорга 8 м дан сотилгандан кейин унда 7 м чит қолди. Тўпда неча метр чит бўлган?

321. 42 сони 16 дан қанча ортиқ? 60 дан қанча кам? 100 дан қанча кам?


322. Тўртбурчак томонлари узунликларининг йиғиндинисини топ. Унда тўғри бурчакни кўрсат.



323. $3 \cdot 5 = 15$ $3 \cdot 8 = 24$ $3 \cdot 4 = 12$ $3 \cdot 6 = 18$
 $3 \cdot 6 = \square$ $3 \cdot 9 = \square$ $3 \cdot 5 = \square$ $3 \cdot 7 = \square$


324. $2 \cdot 6$ $18:9$ $7 \cdot 2 + 18$ $(24 + 26):10$
 $5 \cdot 2$ $14:2$ $2 \cdot 9 + 36$ $(70 - 61) \cdot 10$
● $9 \cdot 2$ $12:6$ $2 \cdot 8 + 29$ $(35 + 45):8$

Түғри түртбұрчак.



Бу түртбұрчакларнинг ҳамма бурчаклари түғри. Булар **түғри түртбұрчаклар**.

325. Берилған фигураалар ичидан түғри түртбұрчакларни топ ва уларнинг номерларини ёз.



326. Бир жүяқдан 25 бош карам, иккінчи жүяқдан 35 бош карам үзилди. Бу карамларнинг ҳаммаси ҳар саватга 10 тадан қилиб жойланди. Бунинг үчүн нечта сават керак бўлган?

327. Пионерларга мактаб боғига ўтқазиш учун олма кўчатлари келтирилди. Улар ҳар қаторга 8 тупдан қилиб 2 қатор кўчат ўтқазиши ва яна 18 туп олма кўчати ўтқазиш қолди. Пионерларга неча туп олма кўчати келтирилган?

328. 7, 2, 9, 4, 11, 10, 8, 3. Бу қаторнинг ҳар бир тоқ сөнини 8 та орттири, ҳар бир жуфт со-

нини 9 та орттири. Натижаларда қандай сонлар ҳосил бўлди: жуфт сонларми ёки тоқ сонларми?


- 329.** Тўғри тенгликлар ҳосил қилиш учун қаерга қавс қўйиш керак бўлса, ўша ерга қўй:

$$76 - 20 + 5 = 51 \quad 53 - 18 - 15 = 20$$

$$64 + 36 - 75 = 25$$

- 330.** $2 \cdot 6$ $6 \cdot 10$ $(13 + 3) : 1$ $(95 - 15) : 10$
 $5 \cdot 2$ $1 \cdot 15$ $(81 - 67) : 7$ $(38 + 52) : 9$
 $2 \cdot 4$ $18 \cdot 1$ $(9 + 7) : 8$ $(19 + 51) : 1$

- 331.** $3 \cdot 2 = 6$ $3 \cdot 4 = 12$ $3 \cdot 7 = 21$ $3 \cdot 5 = 15$
 $3 \cdot 3 = \square$ $3 \cdot 5 = \square$ $3 \cdot 8 = \square$ $3 \cdot 6 = \square$
● $3 \cdot 4 = \square$ $3 \cdot 6 = \square$ $3 \cdot 9 = \square$ $3 \cdot 7 = \square$



- 332.**

$3 \cdot 3 = 9$	$9 : 3$		
$3 \cdot 4 = 12$	$4 \cdot 3$	$12 : 3$	$12 : 4$
$3 \cdot 5 = 15$	$5 \cdot 3$	$15 : 3$	$15 : 5$
$3 \cdot 6 = 18$	$6 \cdot 3$	$18 : 3$	$18 : 6$
$3 \cdot 7 = 21$	$7 \cdot 3$	$21 : 3$	$21 : 7$
$3 \cdot 8 = 24$	$8 \cdot 3$	$24 : 3$	$24 : 8$
$3 \cdot 9 = 27$	$9 \cdot 3$	$27 : 3$	$27 : 9$

333. $3 \cdot 5 = 15$ $3 \cdot 9 = 27$ $3 \cdot 4 = 12$ $9 \cdot 3 = 27$ $3 \cdot 7 = 21$ $27 : 9 = 3$
 $18 : 6 = 3$ $3 \cdot 8 = 24$ $30 : 3 = 10$ $3 : 3 = 1$ $21 : 7 = 3$ $80 : 8 = 10$
 $12 : 4 = 3$ $24 : 8 = 3$ $15 : 5 = 3$ $3 : 1 = 3$ $3 \cdot 6 = 18$ $10 \cdot 9 = 90$

334. Ҳар бир чизмадан учта түғри түртбұрчак топ.



335. Бир яшикнинг олмалари билан бирга масаси 6 кг. З та шундай яшикнинг олмалари билан бирга массасини топ.

1) Масалани қўйидагича жадвалга қисқача ёз:

1 та яшикнинг массаси	Яшиклар сони	Ҳамма яшиклар массаси


2) Масалани еч.

3) Иккита тескари масала туз ва уларни еч.


336. Йўлдош 14 тийинга блокнот, қолган пуллига 2 тийиндан 8 та дафтар сотиб олди. Йўлдошнинг қанча пули бор эди?

337.

	$30 * 3 = 10$ $6 * 10 = 60$ $10 * 4 = 40$	$20 * 2 = 18$ $12 * 12 = 0$ $8 * 0 = 8$
--	---	---



Квадратлар 3 та. Күк доиралар 3 тадан 4 қатор. Доиралар квадратлардан 4 марта ортиқ, квадратлар эса доиралардан 4 марта кам.



Қизил доиралар учбұрчаклардан 2 марта ортиқ, учбұрчаклар эса қизил доиралардан 2 марта кам.

- 338.** Масала шартининг расмини чиз ва ечилишини ёз: Болалар боғчаси учун 4 та яшил түп, яшил түплардан 3 марта күп қизил түплар олинди. Болаларга нечта қизил түп олинган?
- 339.** Зумрадда 9 та значок, Каримда эса ундан 2 марта ортиқ значок бор. Каримда нечта значок бор?

340.

Бўлинувчи	12		15		18	
Бўлувчи	2	3		5		3
Бўлинма		4	5	3	9	6

- 341.** Опада 11 тийин, укасида 7 тийин бор. Улар ҳамма пулларига 3 тийинлик дафтардан нечта олишлари мумкин?

342.	$(54 - 27) : 3$	$24 : 3 \cdot 2$	$6 \cdot 3 : 9$	$70 : 10 + 89$
	$(17 + 4) : 7$	$2 \cdot 9 : 3$	$4 \cdot 3 : 6$	$10 \cdot 8 - 63$
•	$(32 - 5) : 9$	$21 : 3 \cdot 2$	$3 \cdot 6 : 2$	$90 : 9 + 37$

343. Масалалар шартларининг расмини чиз ва уларни еч:

1) Султон 4 та қизил квадрат, ундан 3 марта кўп кўк квадрат қийиб олди. Султон нечта кўк квадрат қийиб олган?

2) Зулфия 4 та қизил квадрат, булардан 3 та ортиқ кўк квадрат қийиб олди. Зулфия нечта кўк квадрат қийиб олган?

344. Бирининг узунлиги 2 см, иккинчисининг узунлиги ундан 3 марта ортиқ бўлган иккита кесма чиз. Иккинчи кесманинг узунлиги қанча?

345. Меҳри донаси 3 тийиндан 24 тийинлик открытка олди. 6 та открыткасини укасига берди. Ўзида неча дона открытка қолди?

346. Пионерлар қушлар учун 45 кг дон йиғишиди. 18 кг донни яшикка солиб қўйишиди, қолганини 3 пакетга тенг бўлиб солишиди. Ҳар бир пакетга неча килограмм дон солинган?

347.		$7 \cdot 6 * 7 \cdot 7$	$8 : 2 * 10 : 2$
		$10 \cdot 2 * 9 \cdot 2$	$12 : 2 * 12 : 6$

348.	7 · 3	18 : 6	$(36 - 27) \cdot 3$	1 · 35 - 17
	27 : 3	5 · 3	$(70 - 46) : 3$	4 · 10 - 23
•	3 · 8	21 : 3	$(42 - 39) \cdot 9$	$60 : (15 - 9)$



Биринчи қаторда 8 та доира бор, иккинчи қаторга ундан 4 марта кам доира қўйиш керак.

8 дан 4 марта кам доира ҳосил қилиш учун 8 та доирани 4 та бир хил қисмларга бўлдик ва бир қисмда нечта доира бўлса, шунча доира олдик.

Иккинчи қаторга нечта доира қўйдик?

- 349.** Тўтиқушлар 6 та, каптарлар эса 3 марта кам. Каптарлар нечта?



- 350.** Масала шартининг расмини чиз ва уни еч:
- 1) Валида 8 та қизил доирача бор, кўк доирачалари ундан 2 марта кам. Валида нечта кўк доирача бор?
 - 2) Ёш табиатшунослар 10 та товуқ жўжаси, улардан 5 марта кам ўрдак жўжаси боқишиди. Ёш табиатшунослар нечта ўрдак жўжаси боқишиган?

351.



Студентларнинг қурилиш отрядида 19 ўспирин ва 8 қиз бор эди. Улар 9 кишилик бригадаларга бўлинишди. Нечта бригада ҳосил бўлди?

352. Каримнинг 12 та қуёни бор, Эргашнинг қуёнлари Каримникидан 4 марта кам. Эргашнинг қуёнлари нечта?

353. $\square \cdot 8 = 24$ | $30 : \square = 10$ | $14 - \square = 9$ | $\square : 6 = 3$

354. $3 \cdot 8 + 76$ $(95 - 89) \cdot 3$ $18 : 2 \cdot 3$ 1 · 5
9 · 3 — 19 $(82 - 72) \cdot 7$ $27 : 3 \cdot 2$ 7 · 1
● $21 : 7 + 69$ $(46 - 28) : 6$ $16 : 2 \cdot 3$ 9 : 1

355. Масалаларни таққосла:

- 1) Ховузда 8 та ғоз, улардан 2 марта кам ўрдак сузиб юрибди. Ховузда нечта ўрдак сузиб юрибди?
- 2) Кўлда 8 та оқ оққуш, улардан 2 та кам қора оққуш сузиб юрибди. Қора оққушлар нечта?

356. Масалаларни таққосла:

- 1) Шерстъ кўйлак 27 сўм туради, туфли ундан 3 марта арzon. Туфли қанча туради?
- 2) Костюм 30 сўм туради, кўйлак ундан 3 сўм арzon. Кўйлак қанча туради?

357. Масала туз ва уни еч:

Бор эди — 50 тийин.

Ҳар бири 3 тийиндан 8 та дафтар сотиб олинди.

Қолди — ?

358. Ёз ва текшир, тенгсизликлар тўғрими:

- 1) 3 ва 7 сонларининг кўпайтмаси 25 дан кичик.
- 2) 18 ва 35 сонларининг йиғиндиси 50 дан катта.


359. $2 \cdot 6 + 2$ $3 \cdot 9 + 3$ $21 : (100 - 93)$ $0 + 7$
 $2 \cdot 7 + 2$ $3 \cdot 8 + 3$ $27 : (32 - 29)$ $9 + 0$

360. Чизмада тўғри тўртбурчакни ва учбурчакларни кўрсат.



Қизил чизиқлар тўғри тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари, кўк чизиқлар — бошқа икки қарама-қарши томонлари.

Тўғри тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари тенг.



- 361.** Томонлари 6 см ва 3 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз. Унинг қарама-қарши томонларини кўрсат.
- 362.** Устахонада 18 слесарь, улардан 6 марта кам механик ишлайди. Устахонада қанча механик ишлайди?



- 363.** Шогирд бир ойда 4 та двигателни, уста эса ундан 3 марта кўп двигателни ремонт қилди. Уста нечта двигателни ремонт қилган?
- 364.** Ифодага қараб масала туз:
 $(30 - 14) : 4$.
- 365.** Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини топ:
- 1) 9 ва 3 сонлари йиғиндисининг 4 га бўлинмаси.
 - 2) 12 ва 9 сонлари айирмасининг 5 га кўпайтмаси.

366. $24:8 \cdot 3$ $8:4 \cdot 2$ $(41 - 26):5$ $6 \cdot 10$
 ● $14:2 \cdot 3$ $12:4 \cdot 2$ $(99 - 72):9$ $30:3$

367.

$4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4$

4 8 12 16 20 24 28 32 36

$$4 \cdot 4 = 16$$

$$16:4$$

$$4 \cdot 5 = 20$$

$$5 \cdot 4 \quad 20:4 \quad 20:5$$

$$4 \cdot 6 = 24$$

$$6 \cdot 4 \quad 24:4 \quad 24:6$$

$$4 \cdot 7 = 28$$

$$7 \cdot 4 \quad 28:4 \quad 28:7$$

$$4 \cdot 8 = 32$$

$$8 \cdot 4 \quad 32:4 \quad 32:8$$

$$4 \cdot 9 = 36$$

$$9 \cdot 4 \quad 36:4 \quad 36:9$$

368. $36:4$ $16:4$ $(53 - 33):5$ $2 \cdot (18:6)$
 $4 \cdot 4$ $9 \cdot 4$ $(8 + 24):4$ $7 \cdot (24:8)$
 $28:4$ $32:8$ $(70 - 62) \cdot 3$ $9 \cdot (21:7)$
 $4 \cdot 8$ $6 \cdot 4$ $(93 - 84) \cdot 2$ $3 \cdot (12:2)$

369. Ҳар қайси бир хонали тоқ сонни 2 марта орттир.

370. $18 - \square = 9$ | $6 + \square = 15$ | $\square + 8 = 14$ | $\square - 7 = 9$

371. Парадда 36 самолёт, улардан 9 марта кам вертолёт қатнашди. Парадда нечта вертолёт қатнашган?

372. Аэроромдан 8 жуфт самолёт ҳавога күтарилди, ерда яна 24 та самолёт қолди. Аэроромда нечта самолёт бўлган?

**Қавссиз ифодаларда
амаллар тартиби.**

- 373.** Қуйидаги ифодаларда қандай амаллар күрсатилганини айт ва ифодаларнинг қийматларини ҳисобла:


$$57 + 9 + 26 \quad 31 - 24 + 7 \quad 24:3:2 \quad 36:9 \cdot 6$$

$$73 - 15 - 8 \quad 12 + 23 - 9 \quad 5 \cdot 2 \cdot 7 \quad 8 \cdot 2:4$$

Агар қавссиз ифодада фақат қўшиш ва айриш ёки фақат кўпайтириш ва бўлиш амаллари бўлса, улар қандай ёзилган бўлса, шундай тартибда бажарилади.

374. $92 - 7 - 7 - 7$ $32:8 \cdot 9$ $70:7:5 \cdot 9$
 $18 + 8 + 8 + 8$ $4 \cdot 2 \cdot 3$ $60:10:2 \cdot 8$
 $71 - 65 + 19$ $36:9 \cdot 3$ $80:10 \cdot 4:8$

- 375.** Тикувчи 5 та болалар костюми тикди. Ҳар бир костюмга 2 м газлама кетди. Тикувчи ҳамма костюмга қанча газлама ишлатган?



- 376.** Китоб 42 бетли. Карима китобнинг 15 бетини ўқиди. Агар Карима ҳар куни 9 бетдан ўқиса, китобнинг қолган бетларини неча кунда ўқиб тугатади?

377.

Кўпайтuvчи	9	4		9			8	9
Кўпайтuvчи	4		6		5	6		
Кўпайтма		32	24	27	15	18	24	18

378. Ифода бўйича масала туз: $4 \cdot 6 - 14$.

379. $\square : 7 = 4$ $8 \cdot \square = 32$ $21 : \square = 3$ $16 - \square = 9$

Қавслар бўлмаган ифодаларда кўпайтириш ва бўлиш амаллари қўшиш ва айириш амалларидан олдин бажарилади.

Масалан:

$$65 + 21 : 3 = 65 + 7 = 72$$

$$27 : 3 - 4 \cdot 2 = 9 - 8 = 1$$

380. Ечишни тушунтири:

$$30 - 4 \cdot 7 = 30 - 28 = 2$$

$$17 + 32 : 8 = 17 + 4 = 21$$

$$7 \cdot 2 - 3 \cdot 3 = 14 - 9 = 5$$

$$16 : 4 + 5 : 1 = 4 + 5 = 9$$

381. Ифодаларнинг қийматларини ҳисобла:

$$26 + 24 : 4 \quad 71 - 16 : 2 \quad 60 : 10 + 8 \cdot 3$$

$$32 : 8 + 39 \quad 9 \cdot 3 + 7 \cdot 4 \quad 18 : 9 + 27 : 3$$

$$41 - 27 : 3 \quad 36 : 4 - 9 : 3 \quad 5 \cdot 4 - 32 : 4$$

382. Болалар пальтосига 2 м драп кетади. 12 м драпдан нечта шундай пальто тикиш мумкин?

Иккита тескари масала туз ва уларни еч.

- 383.** 1) Бир қыз 30 та сабзи олиб келди. 12 та сабзини саватга қўйди, қолганини 9 та қуёнга тенг бўлиб берди. У ҳар бир қуёнга нечтадан сабзи берган?
- 2) Бир қыз 30 та сабзи олиб келди. 12 та сабзини қуёнларга берди. Қолган сабзини 9 тадан қилиб боғлади. Неча боғлам бўлди?
- 384.** 1) Узунлиги берилган кесма узунлигидан 2 марта ортиқ бўлган битта кесма чиз.
- 2) Узунлиги берилган кесма узунлигидан 2 марта кам бўлган иккинчи кесма чиз.

385. 

$2 \cdot 4 * 2 + 4$	$1 \cdot 3 * 1 + 3$	$3 \cdot 8 * 3 + 8$
$7 \cdot 3 * 7 + 3$	$9 \cdot 1 * 9 + 1$	$1 \cdot 8 * 1 + 8$

Қавсли ифодаларда амаллар тартиби.

- 386.** Ифодаларни ўқи ва уларнинг қийматларини топ:

$$10 \cdot (30 - 24) \quad (22 + 14):4 \quad 8 \cdot (28:7)$$

Агар ифодада қавслар бўлса, аввал қавслар ичидағи ифоданинг қиймати ҳисобланади. Чиққан ифодада тартиб билан чапдан ўнгга қараб аввал кўпайтириш ва бўлиш амали, сўнгра қўшиш ва айриш амали бажарилади.

387. Ечишни түшүнтири:

$$76 - (27 + 9) + 8 = 76 - 36 + 8 = 48$$

$$43 + 9 \cdot (20 - 17) = 43 + 9 \cdot 3 = 43 + 27 = 70$$

388. $32 + (70 - 25) - 26$ $20:(3 + 2)$ $21:7 + 3 \cdot 9$

$$50 - (48 + 12):10$$
 $(45 - 31):7$ $4 \cdot 8 - 3 \cdot 7$

389. Бўлакда 24 м газлама бор. Бу газламанинг 10 метридан болалар костюми, қолганларидан 7 та бир хил болалар пальтоси тикилди. Битта пальтога неча метр газлама кетган?

390. 1) Ҳовлида 5 қиз ва 7 ўғил бола ўйнаб юрган эди. Волейбол ўйнаш учун улар тенг икки командага бўлинишиди. Ҳар бир командада нечта бола бор?

2) $(12 + 16):4$ ифода бўйича шунга ўхшаш масала туз.

391. 1) Бу сонларнинг ҳар бирини 3 марта ортири: 7, 5, 9, 4, 8, 6.


2) Бу сонларнинг ҳар бирини 4 марта камайтири: 16, 36, 12, 24.

392. Ўқувчи қиз арчани безатиш учун 3 та юлдузча, ундан 2 марта кўп байроқча қийиб олди. Бу қиз ҳаммаси бўлиб нечта юлдузча ва байроқча қийиб олган?

Масаланинг шарти бўйича расм солиш ҳам, чизма ясаш ҳам мумкин.



- 393.** Тепаликда 18 бола чанада учмоқда, чанғида учған болалар улардан 3 марта кам. Тепаликда ҳаммаси бўлиб нечта бола сирпанимоқда? Чизма яса ва масалани еч.
- 394.** Ўғил 8 ёшда. Отасининг ёши ўғлининг ёшидан 4 марта катта. Отаси неча ёшда?
- 395.** Буви 60 ёшда. Невара бувисидан 10 марта ёш. Невара неча ёшда?
- 396.** Томонлари 2 см ва 7 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз.
- 397.**
- | | | |
|-------------------------|----------------------|------|
| $16 + (35 - 5) - 9$ | $26 - 4 \cdot 3 + 9$ | 1·12 |
| $70 - 4 \cdot (12 - 3)$ | $8 + 16 : 2 - 9$ | 35:1 |
| $(17 + 15) : 8 \cdot 9$ | $6 + 8 - 36 : 9$ | 8·1 |
| $(50 - 46) \cdot 7 - 9$ | $28 : 7 + 8 - 5$ | 6:6 |
- 398.** Шундай сонларни танлагинки, тенглик ва тенгсизликлар тўғри бўлсин:
- $4 \cdot 5 + 4 < 4 \cdot \square$ $3 \cdot 9 = 3 \cdot 8 + \square$
 $3 \cdot \square > 3 \cdot 8 + 3$ $3 \cdot 9 = 3 \cdot 10 - \square$



- 399.**
- | | | | |
|------------------|-------------|----------|----------|
| $5 \cdot 5 = 25$ | $25 : 5$ | | |
| $5 \cdot 6 = 30$ | $6 \cdot 5$ | $30 : 5$ | $30 : 6$ |
| $5 \cdot 7 = 35$ | $7 \cdot 5$ | $35 : 5$ | $35 : 7$ |
| $5 \cdot 8 = 40$ | $8 \cdot 5$ | $40 : 5$ | $40 : 8$ |
| $5 \cdot 9 = 45$ | $9 \cdot 5$ | $45 : 5$ | $45 : 9$ |

400.	$45:5 \cdot 4$	$(18+12):5$	$16+5 \cdot 9$	$70-4 \cdot 8$
	$30:5 \cdot 4$	$5 \cdot (84-79)$	$67-45:5$	$27-3 \cdot 6$
	$50:5 \cdot 6$	$(92-12):8$	$29+7 \cdot 5$	$14+8 \cdot 3$
	$45:5 \cdot 3$	$40:(12-7)$	$4 \cdot 8-15$	$3 \cdot 7-7$

- 401.** 1) Устахонада 40 та парта тайёрланди, столлар эса парталардан 5 марта кам тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб нечта парта ва стол тайёрланган?
- 2) Устахонада 40 та парта тайёрланди, столлар эса парталардан 5 та кам тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб нечта парта ва стол тайёрланган?
- 402.** Қавсларни шундай қўйгинки, тенгликлар тўғри бўлсин:
- | | | | | |
|-------------------|-----|------------------|-----|-------------------|
| $15-6 \cdot 2=18$ | $ $ | $4 \cdot 8-5=12$ | $ $ | $3 \cdot 6-2=12$ |
| ● $65-10+5=50$ | $ $ | $12+24:4=9$ | $ $ | $14-5 \cdot 2=18$ |

Капалаклар 2 та, ниначилар 6 та. Ниначилар капалаклардан неча марта кўп? Капалаклар ниначилардан неча марта кам? 6 да 2 тадан неча марта бўлишини топамиз

$$6:2=3$$



Ниначилар капалаклардан 3 марта кўп, капалаклар эса ниначилардан 3 марта кам.

403. 2 та квадрат ва 8 та учбұрчак чиз. Учбұрчаклар квадратлардан неча марта күп? Квадратлар учбұрчаклардан неча марта кам?

404. Ҳовлида 4 та ўрдак ва 8 та товуқ юрибди. Ўрдаклар товуқлардан неча марта кам?

405. Телпак 6 сүм, пальто ундан 10 марта қиммат турасы. Пальто билан телпак биргаликда қанча турасы?

406.

Күпайтывчи	7	8	9			
Күпайтывчи				7	8	9
Күпайтма	28	32	36	35	40	45

407. $42+8-5 \cdot 4$ $18+(38+7):5$ $18+5 \cdot 9$
 $30:6+3 \cdot 9$ $(70-35):7+29$ $18+5 \cdot 8$
 $53-9+6 \cdot 5$ $60-(16+24):8$ $18+5 \cdot 7$
• $21-18:6+7$ $78+36:(12:3)$ $18+5 \cdot 6$

408. Бириңінг узунлиғи 10 см, иккінчисининг узунлиғи 5 см бүлгән иккита кесма чиз. Кичик кесма катта кесмәгә неча марта жойлашады? Иккінчи кесмәнінг узунлиғи бириңчи кесмәнінг узунлигидан неча марта кам?



Теннис шарлари ракеткалардан неча марта күп? Ракеткалар теннис шарларидан неча марта кам?

Берилған сонлардан бири иккинчисидан неча марта катта ёки неча марта кичиги килини билиш учун катта сонни кичик сонга бўлиш керак.

409. Ошхонада 80 кг картошка ва 8 кг сабзи ишлатилди. Картошка сабзидан неча марта күп ишлатилган?
410. 1) 15 сони 5 дан неча марта катта?
2) 48 сони 9 дан неча бирлик ортиқ?
411. Совхозда 37 тракторчи, тракторчилардан 8 та ортиқ шофер, шоферлардан 5 та кам комбайнчи ишлайди. Совхозда қанча комбайнчи ишлайди?
412. $5 \cdot 7 + 5 * 5 \cdot 8$ $45:5 * 36:4$
 $4 \cdot 9 - 4 * 4 \cdot 7$ $24:8 * 24:6$

Мустаҳкамлаш учун машқлар.

- | | | | | | |
|----|----|------------------|-----------------|---------------------|-----|
| 1. | 1) | $4 \cdot 8 + 18$ | $40:10 \cdot 6$ | $9 \cdot (58 - 48)$ | 8:8 |
| | | $9 \cdot 4 - 27$ | $27:9 \cdot 8$ | $(75 - 39):9$ | 9:1 |
| | | $4 \cdot 7 + 36$ | $32:8 \cdot 5$ | $8 \cdot (81 - 78)$ | 7:1 |

- 2) $5 \cdot 5 - 17$ $30 : 6 \cdot 8$ $45 : 9$ $(32 - 16) : 2$
 $5 \cdot 7 + 18$ $40 : 5 \cdot 4$ $24 : 8$ $(5 + 9) : 2$
 $5 \cdot 9 - 26$ $45 : 5 \cdot 3$ $35 : 5$ $(40 - 22) : 2$
- 3) $32 : 4 + 6 \cdot 4$ $64 - 8 \cdot 5 + 9$ $24 : (3 + 5)$
 $5 \cdot 4 - 16 : 2$ $9 + 7 \cdot (13 - 8)$ $(50 - 41) \cdot 3$
- 4) $38 + 7 - 16 : 2$ $80 - 7 \cdot 5 + 9$ $90 : 10$
 $90 - 25 - 7 \cdot 3$ $64 - 30 : 5 + 8$ $10 : 7$
 $41 + 9 - 9 \cdot 5$ $93 - 45 : 9 + 7$ $80 : 8$

2. $7 \cdot \square = 35$ $11 - \square = 4$ $24 : \square = 3$
 $8 : \square = 24$ $\square : 4 = 9$ $\square - 6 = \square$
 $\square \cdot 3 = 27$ $5 + \square = 35$ $24 \cdot \square = 24$

3. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини хисобла:

- 1) 4 ва 5 сонларининг йиғиндисини 3 га кўпайтириш.
- 2) 27 дан 4 ва 6 сонлари кўпайтмасини айриши.
- 3) 12 га 45 ва 5 сонлари бўлинмасини қўшиш.

4. Ажойиб квадратларнинг бўш катакларини тўлдир:

	4	
	20	
16	36	

9		17
	11	
5		

6	4	14
	8	

5.	Бўлинувчи	21		27		36	
	Бўлувчи		7		9		9
	Бўлинма	7	3	9	3	9	4

6. Қандай сонларнинг кўпайтмаси 12 га; 18 га; 24 га тенг? Бу кўпайтмаларни ёз.
7. 1) Тарвузнинг оғирлиги 4 кг, ошқовоқ ундан 3 марта оғир. Ошқовоқ неча килограмм келади?
- 2) Тарвузнинг оғирлиги 4 кг, ошқовоқ ундан 3 кг оғир. Ошқовоқ неча килограмм келади?
8. Драпнинг метри 24 сўм, шойининг метри 6 сўм. Драпнинг бир метри шойининг бир метридан неча марта қиммат? Шойининг бир метри драпнинг бир метридан неча марта арzon?
9. Зағизғон 27 йил яши, қалдирғоч зағизғондан 3 марта кам, олақарға эса қалдирғочдан 40 йил ортиқ яши мумкин. Олақарға неча йил яши мумкин?



Зағизғон.



Қалдирғоч.



* Олақарға.

10. Она 35 ёшда, қизи 5 ёшда. Онанинг ёши қизининг ёшидан неча марта катта? Она қизидан неча ёш катта?
11. Бир банканинг сиғими 3 л. 6 л (9 л, 12 л, 15 л) мева шарбатини қўйиш учун шундай банкадан нечта керак бўлади?
12. 24 кг унни пакетларга солиш керак. Агар шу ун 3 та бир хил пакетга солинса, 1 пакет уннинг массаси қанча келади? 4 пакетга солинса-чи? 6 пакетга солинса-чи? 8 пакетга солинса-чи?
13. Дўконга ҳар бирида 10 кг дан 8 яшик бодринг келтирилди. Тушгача 54 кг бодринг сотилди. Неча килограмм бодринг қолди?
14. Бир тўпда 25 м чит бор. Ҳар бир кўйлакка 3 м чит кетса, тўпдаги чит 8 та кўйлакка етадими?
15. Бир аёл ҳар бири 8 сўмдан 2 та кресло олди. У кассага 20 сўм берди. Аёл қанча қайтим олиши керак?
16. Мактаб зали учун 50 та янги стул олинди, 10 стул саҳнага қўйилди, қолганлари ҳар қаторга 10 тадан қилиб қўйилди. Неча қаторга янги стуллар қўйилган?

$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$	$6 +$
6	12	18	24	30	36	42	48	54

413.

$6 \cdot 6 = 36$

$36 : 6$

$6 \cdot 7 = 42$

$7 \cdot 6$

$42 : 6$

$42 : 7$

$6 \cdot 8 = 48$

$8 \cdot 6$

$48 : 6$

$48 : 8$

$6 \cdot 9 = 54$

$9 \cdot 6$

$54 : 6$

$54 : 9$

414. $42 : 7 \cdot 8$ $48 : 8 \cdot 6$ $8 \cdot 5 + 3 \cdot 6$ $24 : (15 - 9)$
 $6 \cdot 6 : 9$ $24 : 6 \cdot 8$ $7 \cdot 4 - 2 \cdot 9$ $(17 - 9) \cdot 6$
 $54 : 9 \cdot 7$ $54 : 6 \cdot 4$ $6 \cdot 4 + 7 \cdot 3$ $8 \cdot (14 - 8)$
 $36 : 6 \cdot 9$ $42 : 6 \cdot 5$ $5 \cdot 7 - 7 \cdot 5$ $(29 + 7) : 6$

415. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини ҳисобла:



- 1) 82 дан 5 билан 7 нинг кўпайтмасини айриш.
- 2) 31 билан 22 нинг айирмасини 4 га кўпайтириш.
- 3) 9 билан 19 нинг йиғиндисини 7 га бўлиш.
- 4) 9 сонига 18 ва 3 сонлари бўлинмасини қўшиш.

416. Шкафда 6 та чуқур тарелка, ундан 3 марта кўп майда тарелка, майда тарелкалардан 2 марта кам мева тарелкалари бор. Шкафда нечта мева тарелкаси бор?
417. Она қизига метри 4 сўмлик газламадан 3 м кўйлаклик олди, ёнида яна 38 сўм қолди. Онанинг қанча пули бўлган?

418. Дарёning кенглиги 18 м, ариқнинг кенглиги 2 м. Дарё ариқдан неча марта кенг?
419. Ёш табиатшунослар бир эгатга ҳар қаторга 8 тупдан 3 қатор, иккинчи эгатга ҳар қаторга 9 тупдан 4 қатор қулупнай экишди. Ёш табиатшунослар ҳаммаси бўлиб неча туп қулупнай экишган?
420. Ишчилар учун ҳар бири 4 квартирали 9 уй ва ҳар бири 10 квартирали 5 уй қурилди. Бу уйларда ҳаммаси бўлиб, нечта квартира бор?
421. Бирининг узунлиги 4 см, иккинчисининг узунлиги 12 см бўлган иккита кесма чиз. Биринчи кесманинг узунлиги иккинчи кесманинг узунлигидан неча марта кам? Иккинчи кесманинг узунлиги биринчи кесманнинг узунлигидан неча марта ортиқ?
422. 1) 54 сонини 6 марта камайтири.
 2) 6 ни 7 марта орттири.
 3) 6 сони 48 дан неча марта кам?
 4) 36 сони 9 дан неча марта ортиқ?
 5) 36 сони 9 дан неча бирлик ортиқ?
 6) 12 сони 30 дан неча бирлик кам?
423. $58 - 6 \cdot 7$ $48 : 8 + 6 \cdot 5$ $90 - (36 + 6) : 7$
 $6 + 30 : 6$ $10 \cdot 7 - 9 \cdot 3$ $45 + 9 \cdot (50 - 44)$
 $80 - 6 \cdot 6$ $54 : 9 + 36 : 9$ $6 \cdot (30 - 23) + 42$
424. ●  3 м 8 дм * 440 дм 90 см * 1 м
 ● 9 дм 1 см * 91 см 60 дм * 6 м

Квадрат.

Ҳамма томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчакни топ. Булар **квадратлардир**.



425. Томони 4 см бўлган квадрат чиз.
426. Полотнонинг метри 4 сўм. 2 м полотно қанча туради? 3 м полотно қанча туради? 5 м-чи? 8 м-чи?
427. Солижон 4 тийиндан 4 та қалам ва 3 тийиндан 8 та дафтар олди. Солижон қанча пул тўлаган?
428. Мөҳнат дарси учун 12 та қизил қофоз, ундан 2 марта кам яшил қофоз, яшил қофоздан 3 та ортиқ кўк қофоз тайёрланди. Нечта кўк қофоз тайёрланган?
429. Жадваллардан фойдаланиб ифодаларни ёз. Уларни ўқи ва қийматларини ҳисобла

Қўшилувчи	3	14	57
Қўшилувчи	8	69	42


Камаювчи	9	20	62
Айриловичи	6	11	62

430. $82 - 9 \cdot 6$ $8 \cdot (24 - 18)$ $54:9 + 36:6$
- $69 + 42:7$ $32:(40 - 32)$ $6 \cdot 7 - 3 \cdot 6$
- $52 - 6 \cdot 6$ $6 \cdot (70 - 65)$ $32:4 - 35:5$
- $32 - 9 \cdot 3$ $4 \cdot (23 - 17)$ $19:1 - 19 \cdot 1$

431. «Дарча»га 7, 9, 11, 15, 30 сонларини қўй.
Йигиндининг қийматини топ.
Намуна: $8 + 7 = 15$.



432. «Дарча»га 6, 8, 14, 15, 20 сонларини қўй. Айирманинг қийматини топ.



433. Ота 20 кг карам, ундан 10 марта кам сабзи келтириди. Ота неча килограмм сабзавот келтирган?

434. Болалар совғаси учун ҳар бир қутида 9 кг дан 54 кг печенье ва ҳар бир қутида 10 кг дан 50 кг конфет сотиб олинди.
1) $54:9$ 2) $50:10$ 3) $54:9 + 50:10$
амалларни бажариб нималарни билиб оласан?

435. Магазинга ҳар бир пакетда 10 донадан 90 та кубик ва ҳар бир пакетда 6 тадан 60 та коптокча келтирилди. Магазинга ҳаммаси бўлиб неча пакет ўйинчоқ келтирилган?


436. Томонлари 3 см ва 5 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз. Унда битта кесмани шундай ўтказки, натижада квадрат ҳосил бўлсин.

437. Ҳамма бир хонали сонларни ёз. Улардан ҳар бир тоқ сонни 5 марта ва ҳар бир жуфт сонни 6 марта орттири.

438. Ифодаларни ёз ва қийматларини ҳисобла:

- 1) 39 га 54 ва 6 сонлари бўлинмасини қўшиш.
- 2) 40 ва 14 сонлари йиғиндисини 9 га бўлиш.
- 3) 6 сонини 12 ва 5 сонлари айрмасига кўпайтириш.
- 4) 48 ни 3 ва 9 сонлари йиғиндисига бўлиш.

439.	$7 \cdot 6 - 36 : 4$	$15 + 7 \cdot (50 - 45)$	$7 \cdot 5 - 18$
	$54 : 6 + 3 \cdot 8$	$8 \cdot (11 - 5) + 52$	$28 : 4 + 7$
	$50 : 10 + 4 \cdot 6$	$100 - (19 + 5) : 6$	9 : 9 + 19
●	$9 \cdot 5 - 32 : 4$	$39 - (67 - 50) + 8$	$70 - 6 : 1$



440.

$7 \cdot 7 = 49$	$49 : 7$
$7 \cdot 8 = 56$	$56 : 7$
$7 \cdot 9 = 63$	$63 : 7$

441.	$60 - 7 \cdot 7$	$49 : 7 \cdot 8$	$27 : (12 - 9) : 9$	$8 : 8$
	$8 \cdot 7 - 28$	$63 : 9 \cdot 6$	$36 : 9 \cdot (11 - 5)$	$6 : 1$
	$95 - 9 \cdot 7$	$54 : 6 \cdot 5$	$(35 + 7) : 6 \cdot 8$	$7 : 1$
	$7 \cdot 5 - 16$	$56 : 8 \cdot 4$	$49 : (16 - 9) \cdot 9$	$1 : 5$

- 442.** Табуретка 4 сүм, ошхона столи үндан 6 марта қиммат туралди. Ошхона столи ва табуретка учун қанча түлаш керак?
- 443.** 1) 6 та коптөкка 12 сүм, құғирчоққа битта коптөкка қараганда 4 марта ортиқ түланди. Құғирчоқ қанча туралди?
 2) $15:3+8$ ифодага қараб шунга үхашаш масала туз.
- 444.** 1) Қайси сон 54 дан 6 марта кам? 9 марта кам? 6 бирлик кам? 9 бирлик кам?
 2) 28 сони 7 дан неча марта катта? 7 сони 35 дан неча марта кам?
- 445.** 1) Тенгсизликларни ёз:
 6 ва 2 сонлари күпайтмаси улар бўлинмасидан катта.
 36 ва 9 сонлари йифиндиси шу сонлар айрмасидан кичик.
 2) Бу тенгсизликлар тўғрими? Текшириб кўр.
- 446.** 4 та конверт 24 тийин туралди. 6 та шундай конверт қанча туралди?



24 тийин



?

- 447.** 1) Магазин биринчи куни 8 та бир хил портфель сотиб, улар учун 32 сүм олди. Иккинчи куни 6 та шундай портфель сотилди. Улар учун неча сүм олинган?

2) Ушбу (12:6) · 2 ифода бўйича шунга ўхшаш масала туз.

448. Узум солинган яшикнинг массаси 9 кг, нок солинган яшикнинг массаси ундан 7 кг ортиқ. Узум солинган ва нок солинган яшиклар массалари биргаликда қанча?
449. Ёзув столининг усти тўғри тўртбурчак шаклида. Бу тўғри тўртбурчак томонларини дециметр билан ўлча.
450. Жадваллардан фойдаланиб, ифодаларни ёз, уларни ўқи ва қийматларини ҳисобла:

Кўпайтувчи	7	7	7
Кўпайтувчи	7	8	9

Бўлинувчи	28	35	54
Бўлувчи	4	7	9

- 451.
- | | | |
|------------------|--------------------|-------------------------|
| $70 - 9 \cdot 7$ | $8 \cdot (16 - 9)$ | $60 - 9 \cdot (13 - 8)$ |
|------------------|--------------------|-------------------------|
- | | | |
|---------------|----------------|------------------------|
| $56 : 7 + 58$ | $(37 + 5) : 7$ | $(28 + 8) : 4 \cdot 3$ |
|---------------|----------------|------------------------|
- | | | |
|---------------|------------------|--------------------|
| $67 - 54 : 6$ | $8 \cdot 7 - 56$ | $9 - (58 + 5) : 7$ |
|---------------|------------------|--------------------|
- $7 \cdot 7 + 28$ $65 + 49 : 7$ $24 : (16 - 8) \cdot 7$


452. Тўғри тўртбурчакнинг томонлари 5 см ва 3 см. Унинг ҳамма томонлари узунликларининг ийғиндисини топ.

Расмдан фойдаланиб, ечишнинг иккала усулини тушунтири:

Биринчи усул:

$$5 \cdot 2 + 3 \cdot 2 = 16$$

Жавоб: 16 см.



Иккинчи усул:

$$(5 + 3) \cdot 2 = 16$$

Жавоб: 16 см.

453. Томонлари 2 см ва 9 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз. Унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.
454. Учта бир хил яшикда 21 кг апельсин бор. 8 та шундай яшикда неча килограмм апельсин бор?
455. Ота 40 ёшда, ўғли отасидан 28 ёш кичик, қизи ўғлидан 2 марта ёш. Қизи неча ёшда?
456. $\square - 9$. Очик жойга 9, 12, 18, 20 сонларини қўй. Айирманинг қийматини ҳисобла.
457. $50 - 6 \cdot 7$ $29 + 27 : 9 - 15$ $48 : (30 : 5)$
 $28 + 9 \cdot 7$ $45 + 17 - 24 : 8$ $8 \cdot (12 : 3)$
● $83 - 7 \cdot 8$ $63 : 9 + 15 + 40$ $30 : (5 \cdot 2)$
458. Масалаларни турли усуллар билан еч:
 Арчани безатиш учун ҳар бирида 10 тадан рангли лампочкалар бўлган 4 шода, ҳар бирида 10 тадан оддий лампочкалар бўлган 2 шода олинди. Бу шодаларда ҳаммаси бўлиб нечта лампочка бор?




459. Масалаларни түрли усуллар билан еч:
5 бола арчага 7 тадан юлдузча, 3 бола эса
7 тадан байроқча осди. Бу болалар арчага
хаммаси бўлиб нечта юлдузча ва байроқ-
ча осган?

460. 1) Устахонада 24 м узунликдаги бир тўп
газламадан 8 та бир хил костюм тикилди.
10 та шундай костюмга неча метр газлама
керак бўлади?
2) $(15:5) \cdot 7$ ифода бўйича шунга ўхшаш
масала туз.

461. $\square : 7 = 8$ $9 \cdot \square = 54$ $42 + \square = 42$

462. $45:5 + 4 \cdot 9$ $80 - 56:7$ $15 + 35 + 7 \cdot 6$
 $7 \cdot 7 + 6 \cdot 6$ $9 \cdot 7 - 60$ $20 - 56:8 - 13$
 $28:7 + 18:2$ $48 + 24:4$ $40:5 + 32 - 24$
● $7 \cdot 8 + 24:3$ $54:9 - 6$ $70 - 6 \cdot 8 + 18$



463. $8 \cdot 8 = 64$ $64:8$
 $8 \cdot 9 = 72$ $9 \cdot 8$ $72:8$ $72:9$

464.	$64:8 + 24$	$80 - 36:6 \cdot 5$	$46 - (16 + 9)$
	$72:9 + 32$	$52 - 24:6 \cdot 8$	$(27 + 8) - 17$
	$9 \cdot 8 - 40$	$94 - 45:9 \cdot 8$	$38 + (18 + 6)$

465. Ифоданинг қийматини қулай усул билан топ:

$$15 - (5 + 3) \quad 46 + (4 + 2) \quad 23 - (3 + 6)$$

Нима учун бундай ифодаларнинг қийматларини топишда қавслар ичига ёзилган йиғиндининг қийматини ҳисобламасдан бу ифодадаги ҳар бир қўшилувчини айриш ёки қўшиш мумкинлигини тушунтириш.

466. Сонлар танла ва масалани еч:

- 1) Бир қиз \square тийиндан \square та дафтар олди, укаси шу баҳода \square та дафтар олди. Опака неча пуллик дафтар олган?
- 2) $6 \cdot (3 + 5)$ ифода бўйича шунга ўхшаш масала туз.

467. 12 калава тивит ипдан 3 та бир хил болалар свитери чиқади. Шундай 5 та свитерга неча калава тивит ип керак?

468. Тўғри тўртбурчакнинг томонлари 15 дм ва 9 дм га teng. Унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.

469. 32 сони 8 дан неча марта катта? 32 сони 8 сонидан қанча ортиқ?

470. 9 сони 54 дан неча марта кичик? 9 сони 54 дан қанча кам?

471.



8 тийин




32 тийин

Нарҳи бир хил иккита қалам учун 8 тийин тўланди. 32 тийинга шундай қаламлардан нечтасини сотиб олиш мумкин?

472. 12 кг мураббо 6 та банкага teng бўлиб солинди. 24 кг мураббони солиш учун нечта шундай банка керак?
473. 5 жуфт ботинка учун 30 сўм, 5 жуфт калиш учун 10 сўм тўланди. Бир жуфт ботинка калиши билан қанча туради?
474. Агар учбурчак бир томонининг узунлиги 8 см, иккинчи томонининг узунлиги 6 см, учинчи томонининг узунлиги эса 10 см бўlsa, унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.
475. Қуйидаги tengлик ва tengsizliklarни ёз ва уларнинг tўfriiliqini tekshir:
- 1) 1 ва 8 сонлари йиғиндиси улар kўpaitmasidan kattha.
 - 2) 2 ва 8 сонлари йиғиндиси улар kўpaitmasidan kichik.
 - 3) 2 ва 2 сонлари йиғиндиси улар kўpaitmasiga teng.
 - 4) 21 ва 7 сонлари aйирmasi улар bўlinmasidan kattha.

476. $64:8$ $72:9 \cdot 8$ $4 \cdot 10 - 7 \cdot 4$ $90 - 4 \cdot 2 \cdot 9$
 $56:8$ $63:7 \cdot 6$ $9 \cdot 5 - 9 \cdot 2$ $90 - 3 \cdot 3 \cdot 7$
● $49:7$ $54:6 \cdot 8$ $9 \cdot 4 - 8 \cdot 3$ $90 - 3 \cdot 2 \cdot 3$



$9 \cdot 9 = 81$

$81:9$

477. $72:8 \cdot 9$ $56:7 \cdot 9$ $54 + 72:9$ $100 - 8 \cdot 8$
 $27:3 \cdot 7$ $35:5 \cdot 8$ $39 + 64:8$ $100 - 8 \cdot 9$
 $32:4 \cdot 9$ $42:7 \cdot 9$ $46 + 81:9$ $100 - 9 \cdot 9$

478. 1) 27 л шарбат 9 та банкага баравардан қуилди. 18 л шарбатни қуиши үчүн шундай банкадан нечта керак?
 2) $12:(15:5)$ ифода бўйича шунга ўхшаш масала туз.

479. Ошхонага ҳар бирида 6 кг дан 8 яшик олма, ҳар бирида 7 кг дан 5 яшик помидор келтирилди.
 1) $6 \cdot 8$; 2) $7 \cdot 5$; 3) $6 \cdot 8 - 7 \cdot 5$
 амалларни бажариб, нималарни билиб оласан?

480. 1) 81 сони 9 дан неча марта катта?
 2) 8 сони 72 дан неча марта кичик?

3) 42 сони 6 дан нечта ортиқ?

4) 6 сони 42 дан нечта кам?

481.  $7 \cdot 8 + 7 * 7 \cdot 9$ 3 м * 32 дм
 $6 \cdot 10 - 6 * 6 \cdot 8$ 5 дм * 50 см

482. 9, 10, 12, 13, 15, 20, 24, 26, 27 сонлар қато-
ридан 3 га бүлинадиганларини ёз. Улар-
нинг ҳар бирини 3 га бул.

Квадратнинг томони 2 см. Квад-
ратнинг ҳамма томонлари узун-
ликлари йиғиндисини топиш ке-
рак.



Карим масалани бундай ечди:

$$2 + 2 + 2 + 2 = 8$$

Вали масалани бундай ечди: $2 \cdot 4 = 8$

Бу ечишларни тушунтири ва таққосла.

483. Катак қофозга томони 3 см бўлган квадрат
чиз. Бу квадрат томонлари узунликлари-
нинг йиғиндисини топ.

484. Китоб 54 тийин, блокнот эса ундан 6 марта
арzon. 5 та шундай блокнот учун қанча
тўлаш керак?

485. 1) Челакда 8 л сут бор, кўзачада ундан 4
марта кам. 10 л сутни қўйиш учун нечта
кўзача керак?

486. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини ҳисобла:

- 1) 56 ни 35 ва 28 сонлари айирмасига бўлиш.
- 2) 67 ва 14 сонлари йифиндисини 9 га бўлиш.
- 3) 72 ва 64 сонлари айирмасини 6 га кўпайтириш.
- 4) 8 ва 9 сонлари кўпайтмасига 18 ни қўшиш.

487. $54:6 \cdot 7$ $81:9 - 9$ $58 + 56:(14 - 7)$ 1 · 7
● $4 \cdot 9:6$ $64:8 + 8$ $94 - (12 - 3) \cdot 6$ 7:7
 $56:8 \cdot 6$ $49:7 - 7$ $72 - (38 + 26):8$ 7 · 1

488. Юқори қаторга 2 та квадрат, пастки қаторга ундан 5 марта ортиқ квадрат расмини чиз. Пастки қатордаги квадратлар юқориги қатордаги квадратлардан нечта ортиқ?

489. Цирк томошаларида 3 та ўргатилган кучук, улардан 4 марта кўп ўргатилган кантар қатнашди. Кантарлар кучуклардан нечта ортиқ?



490. Ҳисобла ва ечимни дарслик форзацидаги жадвалдан текшир:

$$2 \cdot 2$$

$$3 \cdot 2 \quad 3 \cdot 3$$

$$4 \cdot 2 \quad 4 \cdot 3 \quad 4 \cdot 4$$

$$5 \cdot 2 \quad 5 \cdot 3 \quad 5 \cdot 4 \quad 5 \cdot 5$$

$$6 \cdot 2 \quad 6 \cdot 3 \quad 6 \cdot 4 \quad 6 \cdot 5 \quad 6 \cdot 6$$

$$7 \cdot 2 \quad 7 \cdot 3 \quad 7 \cdot 4 \quad 7 \cdot 5 \quad 7 \cdot 6 \quad 7 \cdot 7$$

$$8 \cdot 2 \quad 8 \cdot 3 \quad 8 \cdot 4 \quad 8 \cdot 5 \quad 8 \cdot 6 \quad 8 \cdot 7 \quad 8 \cdot 8$$

$$9 \cdot 2 \quad 9 \cdot 3 \quad 9 \cdot 4 \quad 9 \cdot 5 \quad 9 \cdot 6 \quad 9 \cdot 7 \quad 9 \cdot 8 \quad 9 \cdot 9$$

491. Квадрат томонлари узунликларининг йиғиндиси 20 см. Унинг ҳар бир томонининг узунлиги нимага тенг?

492. Иккита болалар фартуғи учун 16 дм газлама кетади. Шундай 40 дм газламадан нечта болалар фартуғи тикиш мумкин?

493. $62 - 53 \quad 7 \cdot 8 \quad 81 : 9 \quad 39 + 17$ ифодалардан фойдаланиб, иккита түғри тенглик ва иккита түғри тенгсизлик туз.

494. Ифодаларни ўқи ва уларнинг қийматларини топ:

$$64 : (52 - 44) \quad (50 + 31) : 9 \quad (23 - 16) \cdot 8$$

495.

$9 \cdot 9 - 9$	$(42 + 18) : 6$	$50 - 4 \cdot 7$	$21 - 7 \cdot 3$
$8 \cdot 8 - 8$	$(54 - 46) \cdot 9$	$42 - 9 \cdot 3$	$7 \cdot 8 - 56$
$7 \cdot 7 - 7$	$(17 + 46) : 9$	$73 - 8 \cdot 9$	$26 - 3 \cdot 8$
$\bullet \quad 6 \cdot 6 - 6$	$(29 + 43) : 8$	$81 - 7 \cdot 8$	$27 + 63 : 9$

496. Дарслик форзацидаги жадвалга қара ва шундай жадвал түз:

1) Жадвалдан қуидаги күпайтмаларни топ: $4 \cdot 7$ (күрсатылған), $7 \cdot 9$, $8 \cdot 6$, $2 \cdot 9$, $6 \cdot 5$, $3 \cdot 8$, $9 \cdot 4$, $8 \cdot 7$, $6 \cdot 9$, $8 \cdot 8$.

2) Жадвалдан фойдаланыб бўлинмани топ: $28:7$, $24:6$, $63:7$, $45:9$, $56:8$, $72:8$, $64:8$.

497. Аэродромдан 6 та самолёт, улардан 2 марта кам вертолёт кўтирилди. Қуидаги амалларни бажариб, нимани билишингни тушунтири:

1) $6 + 6:2$ 2) $6 - 6:2$.



498. 50 кг бўёқни 10 та банкага баравардан қуишиди. 35 кг бўёқни қуиши учун шундай банкалардан нечта керак?

499. $48: \square = 6$ $\square - 7 = 7$ $20 + \square = 29$

500. 39, 36, 34, 32, 27, 24 сонлар қаторидан 4 га бўлинадиганларини танлаб ол.

501. $5 \cdot 7 + 5 \cdot 3$ $7 \cdot (53 - 45)$ $40 - 5 \cdot 8 + 19$
 $8 \cdot 2 + 8 \cdot 3$ $(31 + 33):8$ $9 \cdot 4 + 9 \cdot 6 - 71$
● $4 \cdot 9 + 2 \cdot 7$ $80 - 9 \cdot 7 + 5$ $90 - 4 \cdot 7 + 15$

Мұстақамлаш үчүн машқлар

1. 1) $7 \cdot 7 - 7$ $56 : 8 \cdot 7$ $63 : 7 + 39$ $80 - 7 \cdot 5$
 $7 \cdot 8 - 7$ $49 : 7 \cdot 9$ $56 : 7 + 43$ $92 - 7 \cdot 3$
 $7 \cdot 9 - 7$ $35 : 7 \cdot 9$ $49 : 7 + 93$ $60 - 7 \cdot 8$

- 2) $81 : 9 \cdot 8$ $6 \cdot 6 - 5 \cdot 5$ $(23 + 41) : 8$
 $64 : 8 \cdot 7$ $7 \cdot 7 - 6 \cdot 6$ $(39 + 42) : 9$
 $72 : 9 \cdot 6$ $8 \cdot 8 - 7 \cdot 7$ $(53 + 19) : 8$

- 3) $24 : 6 \cdot 9$ $42 : 7$ $(91 - 28) : 7$ $48 - (54 - 46)$
 $45 : 5 \cdot 3$ $54 : 9$ $(37 - 19) : 9$ $63 : (100 - 93)$
 $30 : 6 \cdot 9$ $56 : 7$ $(48 - 32) : 8$ $24 : (72 - 66)$

- 4) $60 - 7 \cdot 7 + 39$ $63 : (18 : 2) \cdot 8$ $16 + (48 + 24)$
 $79 + 13 - 8 \cdot 8$ $27 : 3 \cdot (35 : 5)$ $53 - (26 + 13)$
 $32 : 8 \cdot 9 + 18$ $45 : (36 : 4) \cdot 6$ $(68 + 23) - 38$


2. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини ҳисобла:

- 1) 93 сонидан 8 ва 8 сонлари күпайтмасини айриши.
- 2) 54 сонини 40 ва 31 сонлари айрмасига бўлиш.
- 3) 38 ва 18 сонлари йиғиндисини 7 га бўлиш.

«Ажойиб рамкалар» ўйини



15	?	35
?	64	?
26	?	18



3. Кўпайтмаси 24 га, 36 га, 40 га, 45 га, 50 га, 60 га тенг бўлган икки сонни айт.
4. Натижаси 8, 9, 10 бўлган бўлишга доир бир нечта мисол ёз.
5.  $3 \text{ м } 5 \text{ дм} * 53 \text{ дм}$ $46 \text{ дм} * 4 \text{ м } 4 \text{ дм}$
 $6 \text{ дм } 2 \text{ см} * 62 \text{ см}$ $78 \text{ см} * 7 \text{ дм } 8 \text{ см}$

6.

Кўшилувчи	26	45	
Кўшилувчи	55		65
Йигинди		100	100

Камаювчи	70		74
Айрилувчи	29	29	
Айирма		45	48

7. 1, 7, 3, 10, 8, 6 сонларининг ҳар бирини 4 марта, 5 марта, 6 марта, 7, 8 ва 9 марта орттири.
8. 27, 81, 63, 36, 72, 18, 45, 54 сонларининг ҳар бирини 9 марта камайтири.
9. 1) 50 сони 10 дан неча марта ортиқ?
 2) 6 сони 18 дан неча бирлик кам?
10. Ажойиб квадратларнинг бўш катакларини тўлдир:

14	0	10
8		

30		
5		45
40		

	9	
12	17	10

11. Тажриба згатидан 24 кг помидор үзилди. Бу помидорни пакетларга 1 кг дан қилиб солиш учун нечта пакет керак бўлади? З кг дан (4 кг дан, 6 кг дан, 8 кг дан) қилиб солиш учун-чи?
12. Бадий почта открыткаси 6 тийин тураси. 2 та открытка сотиб олиш учун 10 тийин етадими? 36 тийинга нечта открытка сотиб олиш мумкин? 42 тийинга-чи? 48 тийинга-чи?
13. Битта кўйлакка 2 м жун газлама кетади. 6 м жун газламадан нечта кўйлак чиқади? 8 м дан-чи? 10 м дан-чи? 16 м дан-чи?
14. Бир кунда бир сигирдан 17 л, иккинчи сигирдан 3 л кам сут соғиб олинди. Бир кунда бу икки сигирдан неча литр сут соғиб олинган?
15. Бир уйнинг қурилишида 10 киши, иккинчи уйнинг қурилишида эса 3 марта ортиқ киши ишлади. Бу икки уйнинг қурилишида ҳаммаси бўлиб нечта киши ишлаган?
16. Мактаб музика тўгарагига 8 та дутор, ундан 2 марта кўп рубоб, рубобдан 3 та кам ғижжак олинди. Нечта ғижжак олинган?
17. Вагондан 6 йўловчи тушди, унда тушганлардан 9 марта кўп йўловчи қолди. Вагонда нечта йўловчи бўлган?

18. Бўш яшикнинг массаси 2 кг. Унга 16 кг бодринг солинди. Қуйидаги амалларни бажариб, нимани билишингни тушунтириш:
- 1) $16 - 2$ 2) $16 + 2$ 3) $16 : 2$
19. Мактаб учун 3 сўмдан 10 та портрет, 5 сўмдан 2 та портрет олинди. Ҳамма портрет учун қанча тўланган?
20. Ботирда 10 тийинлик тангадан 3 та бор. Комилда 6 та шундай танга бор. Иккала болада қанча пул бор?
21. 28 кг асал 7 банкага тенг қилиб қўйилди. Шу банкалардан 5 тасида неча килограмм асал бор?
22. Ўнта тугма 90 тийин туради. 36 тийинга шундай тугмадан неча дона олиш мумкин?
23. 5 та бир хил яшикка 30 кг печенье жойланади. 54 кг печеньени жойлаш учун нечта шундай яшик керак?
24. Болалар чойшабига 2 м сурп, пододеяльникига ундан 2 марта ортиқ сурп кетади. 8 та шундай пододеяльникка қанча сурп кетади?
25. Томони 5 см бўлган квадрат чиз. Бу квадратнинг ҳамма томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.
26. Томонлари 2 см ва 9 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз. Унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.

502. Кўпайтмаларни йиғиндига ал-
маштириб ҳисобла:

0·□

$$0 \cdot 2 \quad 0 \cdot 6 \quad 0 \cdot 3 \quad 0 \cdot 5$$

Нолни ҳар қандай сонга кўпайтирганда
ноль ҳосил бўлади.

503. $0 \cdot 8$ $0 \cdot 3 \cdot 9$ $(7 - 7) \cdot 9$ $0 \cdot (39 + 61)$
 $0 \cdot 15$ $0 \cdot 7 \cdot 6$ $(12 - 12) \cdot 6$ $0 \cdot (54 - 29)$
504. 1) Устанинг шогирди ҳар соатда 9 та чойшаб тикди. У 5 соатда нечта чойшаб тикади?
2) Иккита тескари масала туз ва уларни еч.
505. 4 та кўйлакка 16 м чит кетди. 20 м читдан шундай кўйлаклардан нечта тикиш мумкин? 8 та кўйлакка неча метр чит кетади?
506. 9·□. Бўш жойга бир хонали тоқ сонни қўйва кўпайтманинг қийматини ҳисобла.
507. Кесмаларнинг бири иккинчисидан неча марта катта?

508. $45 + (68 - 53)$ $9 \cdot (36 - 28)$ $4 \cdot 5 : 2 \cdot 3$
● $(52 - 49) \cdot 8$ $4 \cdot (100 - 92)$ $9 \cdot 7 : 9 \cdot 4$

Эсда сақла:


□·0

Ҳар қандай сонни нолга кўпайтирганда ноль ҳосил бўлади.

Масалан: $2 \cdot 0 = 0$

$9 \cdot 0 = 0$

- 509.** 8·0 0·5 3·0 6·1 8·(12—12)
 14·0 4·0 3·1 1·6 (15—7)·0
- 510.** 5 соатда, ҳар соатда баравардан, 45 та вагондан ғўлалар туширилди. 3 соатда нечта вагондан ғўлалар туширилган?
- 511.** Товар станциясига ёғоч ортилган иккита поезд состави келди. Уларнинг бирида 37 та платформа бор, иккинчисида ундан 4 та ортиқ. 60 та платформа бўшатилди. Яна нечта платформани бўшатиш керак?



- 512.** Томонлари 2 см ва 3 см бўлган тўғри тўртбурчакнинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.
- 513.** 48, 45, 40, 38, 35, 33, 30, 27 сонлар қаторидан 5 га бўлинадиганларини ёз. Уларнинг ҳар бирини 5 га бўл.
- 514.** 7·8 $20 - (32 - 16):8$ $42:7 + 39$ 91—48
 9·7 $18 + (12 + 24):4$ $81 - 24:3$ 85—48
 ● 7·6 $51 - (70 + 11):9$ $49:7 + 18$ 80—48

0: 6: $0:2=0$, чунки $0 \cdot 2=0$; $0:8=0$, чунки $0 \cdot 8=0$.

Нолни ҳар қандай сонга бўлганда ноль ҳосил бўлади.

Нолга бўлиш мумкин эмас.

515. $0:5$ $(16-16):3$ $0 \cdot 5:8$ $0:4-0 \cdot 4$
 $0 \cdot 18$ $(8-8):15$ $9 \cdot 0:7$ $0:8-0 \cdot 5$

516. 1) Мактаб ошхонасига ҳар бир яшикда 8 кг дан 32 кг олма ва ҳар бир яшикда 7 кг дан 21 кг узум келтирилди. Ошхонага ҳаммаси бўлиб неча яшик олма ва узум келтирилган?

2) Масала саволини шундай ўзгартирки, у $32:8-21:7$ ифода билан ечилсин.

517. 1) Ошхона учун 8 та бир хил пакетда 24 кг ун олинди. Бир кунда 5 пакет ун ишлатилди. Неча килограмм ун ишлатилган?
 2) Ошхона учун 8 та бир хил пакетда 24 кг ун олинди. Бир кунда 15 кг ун ишлатилди. Неча пакет ун ишлатилган?

518. $6 \cdot 3 \cdot 1$ $42:6 \cdot 4$ $35:5 \cdot 4$ $80-3 \cdot 2 \cdot 9$
 $8 \cdot 4:1$ $54:6 \cdot 3$ $40:8 \cdot 7$ $90-45:5 \cdot 6$
 $1 \cdot 5 \cdot 9$ $21:3 \cdot 5$ $30:6 \cdot 9$ $100-24:3 \cdot 4$

519.



Түғри түртбұрчак шаклидаги майдонча тахта девор билан үраб олинди. Агар майдончанинг бүйи 6 м, эни 4 м, битта таҳтанинг узунлиги 2 м бўлса, бунга нечта таҳта керак бўлган?

520. Товуқлар учун бир ойда 30 кг, ўрдаклар учун 40 кг дон сарфланди. Бир товуққа ойига 3 кг, бир ўрдакка эса 5 кг дон берилди. Товуқлар ва ўрдаклар биргаликда нечта бўлган? Товуқлар ўрдаклардан нечта кўп бўлган?
521. 1) Бир бош карам 3 кг, ошқовоқ ундан 5 марта оғир. Карам ошқовоқдан нёча килограмм енгил?
 2) 6·7—6 ифода бўйича шунга ўхшашиб сала туз.

522.



$$0 : 7 * 0 + 7$$

$$6 \cdot 1 * 6 - 0$$

$$1 \cdot 4 * 1 + 4$$

$$8 \cdot 5 * 8 + 5$$

523.


Кўпайтувчи	8	8		7		1
Кўпайтувчи	0		5		6	
Кўпайтма		8	0	0	6	9

524. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини топ:

- 1) 2 ва 8 сонлари йиғиндисини 9 га кўпайтириш.
- 2) 12 ва 3 сонлари айирмасини 9 га кўпайтириш.
- 3) Бўлинувчи 72, бўлувчи 2 ва 4 сонлари кўпайтмасидан иборат.

525. $56:8 \cdot 8$ $54:6 \cdot 9$ $0 \cdot 6:2$ $(63 - 58) \cdot 7$
 $49:7 \cdot 9$ $81:9 \cdot 8$ $0:8 \cdot 4$ $(32 - 23) \cdot 3$
● $36:4 \cdot 5$ $72:8 \cdot 7$ $0 \cdot 7:3$ $(64 - 58) \cdot 4$

Йиғиндини сонга кўпайтириш.



1) Уч ўқувчининг ҳар бири байрамга 6 тадан хайвонлар ниқоби, 4 тадан қушлар ниқоби ясади. Болалар ҳаммаси бўлиб нечта ниқоб ясаган? Бу масалани ечишнинг икки усулини қараб чиқ ва ҳар бир усулни тушунтириш:

I усул:

$$\begin{aligned}(6+4) \cdot 3 = \\ = 10 \cdot 3 = 30\end{aligned}$$

II усул:

$$\begin{aligned}6 \cdot 3 + 4 \cdot 3 = \\ = 18 + 12 = 30\end{aligned}$$

Жавоб: 30 та ниқоб. Жавоб: 30 та ниқоб.

2) $(5+2) \cdot 9$ ни икки усул билан еч.

Олдин ёзувда күрсатылғанидек, йиғинди-
ни ҳисобла, сүнгра уни сонга күпайтири.
Хар бир құшилувчини сонга күпайтири ва
чиққан натижаларни құш.

Чиққан жавобларни таққосла.


526. $(2+8) \cdot 8$ $(8+1) \cdot 5$ $(10+9) \cdot 4$ $(9+1) \cdot 7$
 $(3+4) \cdot 6$ $(6+4) \cdot 7$ $(10+2) \cdot 8$ $(6+4) \cdot 10$

527. Метри 6 сүмдан 3 м жүн газлама, метри
2 сүмдан 4 м полотно олинди. Шу нарса-
ларга неча сүм түланған?

528. Мактаб хорида 38 ўқувчи қатнашды. Улар-
дан 15 таси ўғил болалар. Хорда ўғил бо-
лалар күпми ёки қызы болалар күпми ва
қанча күп?

529. $90 - 9 \cdot 9 + 9$ $(57 - 48) \cdot 9$ $42 : 7 - 3 \cdot 9$
● $80 - 8 \cdot 9 + 8$ $(18 - 9) \cdot 8$ $4 \cdot 6 - 49 : 7$

530. Масалаларни түрли усуллар билан еч:
1) Донаси 2 сүмдан иккита қулоқли пиёла
ва донаси 1 сүмдан иккита тарелка олинди.
Бунга қанча пул түланди?



2) Иккита боланинг ҳар бирига 3 тадан-яшил ва 4 тадан қизил доирача берилди. Бу болаларга ҳаммаси бўлиб нечта доирача берилган? .

531. 1) Бир масала туз уни бундай ечиш мумкин бўлсин: $(4+3)\cdot 2$.

2) Бу масалани бошқа усул билан еч.

532. Мактаб ўқув залида 10 та стол ва 40 та стул бор. Стуллар столлардан неча марта ортиқ? Столлар стуллардан нечта кам?

533.  $0 \times 3 = 3$ $5 \times 0 = 0$ $9 \times 0 = 9$

$0 \times 3 = 0$ $5 \times 0 = 5$ $4 \times 0 = 0$

$7 \times 1 = 7$ $6 \times 1 = 7$ $8 \times 8 = 1$

534. $(6+3)\cdot 5$ $4\cdot 2 + 5\cdot 2$ $69 - 72 : 9 \cdot 7$ $0 \cdot 12 : 6$

● $(2+7)\cdot 6$ $1\cdot 9 + 3\cdot 9$ $39 + 56 : 8 \cdot 1$ $18 \cdot 0 : 3$

30 · 2	60 : 2	2 · 30
--------	--------	--------

535. Ёзувни қара ва ечишни тушунтир:

20 · 4 **60 : 2** **3 · 20**

$2 \text{ ўн} \cdot 4 = 8 \text{ ўн}$ $6 \text{ ўн} : 2 = 3 \text{ ўн}$ $20 \cdot 3 = 60$

$20 \cdot 4 = 80$ $60 : 2 = 30$ $3 \cdot 20 = 60$

536. $40 : 2$ $20 \cdot 2$ $100 : 5$ $2 \cdot 40$ $3 \cdot 30$
 $30 \cdot 3$ $90 : 3$ $30 \cdot 2$ $2 \cdot 50$ $4 \cdot 20$

537. Ҳар бири 20 тийиндан 4 та ош қошиқ ва ҳар бири 10 тийиндан 4 та чой қошиқ сотиб олинди. Ҳамма харид қанча бўлди? Масалани турли усуллар билан еч.

538. 1 метри 2 сўм бўлган бир бўлак полотно учун 20 сўм, 1 метри 6 сўм бўлган бир бўлак шойи учун 30 сўм тўланди. Ҳаммаси бўлиб неча метр полотно ва шойи сотиб олинган? Саволни шундай ўзгартирингки, масала қуидагича ечилсин:

$$20:2 - 30:6$$

539. Томонлари узунликларининг йиғиндиси 8 см бўлган квадрат чиз. Квадрат томонининг узунлиги нимага teng? 177.

540.  $(10+9) \cdot 4$ $10 \cdot 4 + 9 \cdot 4$
 $(20+3) \cdot 4$ $20 \cdot 4 + 3 \cdot 5$

541. $(10+4) \cdot 6$ $8 \cdot (20-19)$ $42-45:9$ $1 \cdot 5 \cdot 0$
● $(5+6) \cdot 4$ $9 \cdot (30-26)$ $70-64:8$ $8 \cdot 0:2$

542. **60:20.** 60 ҳосил қилиш учун қайси сонга бўлувчи 20 ни кўпайтиришни топамиз.

$20 \cdot 2 = 40$, 2 сони тўғри келмайди;

$20 \cdot 3 = 60$ демак, $60:20 = 3$.

Худди шундай мулоҳаза юритиб $80:20$ бўлинмани топ.


543. $40:20$ $60:3$ $5 \cdot 20$ $80:2:20$
 $100:20$ $100:50$ $100:2$ $100:5:20$

544. Ифодаларнинг қийматларини қулай усул билан топ:

$$(10+4) \cdot 6 \quad | \quad (30+4) \cdot 2 \quad | \quad (18+2) \cdot 4 \quad | \quad (5+1) \cdot 7$$

60:20

545.



Расмга қараб қуидагича ечиладиган ма-
сала түз: $2 \cdot 5 + 3 \cdot 5$.

Шу масалани бошқача усул билан еч.

546. Онам 24 та сомса ёпди. Нонуштада 8 та
сомса ейилди. Нонуштада қолганидан не-
ча марта кам сомса ейилган?

547. 60 дан кичик ва 6 га бўлинадиган ҳамма
сонларни ёз. Уларнинг ҳар бирини 6 га
бўл.

548. $35:7:1$ $40:5 \cdot 8$ $16:4+6 \cdot 6$ $0 \cdot 5:1$
 $20:4 \cdot 1$ $63:7 \cdot 9$ $18:3+7 \cdot 7$ $0:6 \cdot 2$

549. Синф кутубхонаси учун 20 ўқувчи 2 тадан;
20 ўқувчи 3 тадан китоб олиб келишди.
Болалар ҳаммаси бўлиб нечта китоб олиб
келишган?

550. Пионер лагерига бир мактабдан 50 пионер,
иккинчи мактабдан 40 пионер келди. Улар
отрядларга бўлинди, ҳар бир отрядда 30
пионер бўлди. Улар нечта отрядга бўлин-
ган?

551.



Пионерлар дүстларига ҳар яшиги 8 кг дан 4 яшик нок ва шундай оғирликда 6 яшик олма жүнатишиди. Пионерлар ҳаммаси бўлиб неча килограмм мева жүнатишган? Масалани турли усуллар билан еч.

552. Ифодаларнинг қийматларини қулай усул билан топ:

$$(10+8) \cdot 5 \quad (16+4) \cdot 5 \quad (20+8) \cdot 2 \quad (30+2) \cdot 3$$
$$(40+5) \cdot 2 \quad (20+3) \cdot 3 \quad (12+8) \cdot 5 \quad (10+6) \cdot 3$$

553. □ :7. Бўш жойга 21, 14, 28, 49, 63, 56 сонларини қўй ва бўлинманинг қийматини ҳисобла.

554.	100:5 · 4	90:30	15:5 + 54:9	9 · 9
	40:8 · 10	80:40	18:2 + 27:3	7 · 9
	50:5 · 9	60:20	56:7 + 15:3	6 · 8
	60:6 · 3	40:20	72:8 + 18:3	8 · 9

555. Мисолни ечишни тушунтири:

$$\begin{aligned} 23 \cdot 4 &= (20 + 3) \cdot 4 = \\ &= 20 \cdot 4 + 3 \cdot 4 = \\ &= 80 + 12 = 92 \end{aligned}$$



556. Оғзаки тушунтириш билан еч: $12 \cdot 5$, $25 \cdot 3$.

557.	$24 \cdot 2$	$36 \cdot 2$	$18 \cdot 3$	$17 \cdot 5$	$12 \cdot 6$
	$13 \cdot 3$	$16 \cdot 4$	$23 \cdot 2$	$26 \cdot 3$	$27 \cdot 3$

558. Пионерларга 25 кг доривор ўтлар йиғиш топширилган эди, улар топширилганидан 4 марта күп йиғишиди. Пионерлар неча килограмм доривор ўтлар йиғишиган?

559. Пионерлар лагерда 92 та фотосурат қилдилар. Шулардан 2 таси ҳар бирида 30 тадан фотосурат бўлган рангли плёнка ва биттаси оқ-қора плёнка. Пионерлар нечта оқ-қора фотосурат қилдилар?

560. $(16 + 14) \cdot 2$ ифода бўйича масала туз ва уни еч.

561. Томони 2 см бўлган квадрат чиз. Унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.

562.	$(54 + 36):3$	$(74 - 69) \cdot 20$	$81 - 8 \cdot 3:4$
	$(98 - 18):4$	$(81 - 79) \cdot 50$	$18 + 64:8 \cdot 9$

563. Оғзаки тушунтириш билан еч:

$$38 \cdot 2, 29 \cdot 3.$$

564.	27·3	13·7	10·8:40	50—54:9·7
	14·7	25·4	6·10:30	48+32:8·4
	46·2	16·5	2·40:20	99—28:7·5
	18·5	15·4	5·20:50	27+21:7·6

565. Қуйидаги тенгликларнинг тўғрилигини ҳисоблашлар билан текшир:

$$8 \cdot 3 + 7 \cdot 3 = (8+7) \cdot 3 \mid 17 \cdot 2 + 3 \cdot 2 = (17+3) \cdot 2$$

566. 24:□ .Бўш жойга 3, 4, 6, 8 сонларини қўй ва бўлинманинг қийматини ҳисобла.

567. Тарвузнинг 1 килограми 15 тийиндан соғилмоқда эди. Ота бири 3 кг, яна бири 2 кг келадиган иккита тарвуз олди. У олган тарвузлари учун ҳаммаси бўлиб неча пул тўлаши керак?

Масалани турли усуллар билан еч.



568. Почта бир кунда ҳар бири 8 кг дан бир нечта китоб посылкаси ва ҳар бири 6 кг дан шунча мева посылкаси олди. Китоб посылкаларининг умумий оғирлиги 32 кг. Мева посылкаларининг умумий оғирлиги қанча?

$$5 + \boxed{}$$

4

5

9

17

«Дарча» га 4, 5, 9, 17 сонларини қўямиз.
Қўйидаги ифодаларни ҳосил қиласиз:
 $5+4$, $5+5$, $5+9$, $5+17$.

Математикада «дарча» ўрнига латин ҳарфларидан фойдаланилади. Улардан баъзиларини эсда сақла:

Езуви	<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	<i>d</i>
Ўқилиши	а	бэ	цэ	дэ

«Дарча» ўрнига *a* ҳарфини ёзамиз, $5+a$ ифода ҳосил бўлади. Бу *5* ва *a* сонларининг йифиндиси. Агар $a=4$, $a=5$, $a=9$, $a=17$ бўлса, бу йифиндининг қийматини топамиз:

$$5+4=9, \quad 5+5=10, \quad 5+9=14, \quad 5+17=22$$

569. Ифодани ўқи: $b = 9$. Агар $b = 20$, $b = 18$, $b = 12$, $b = 9$ бўлса, унинг қийматини топ.
570. Маҳмудга совет космонавтларига бағишланган 30 та марка ва Совет Армияси кунига бағишиланган 20 та марка совға қилишди. У маркаларни ҳар бир қаторга 5 тадан қилиб альбомга жойлади. Бундай қаторлардан нечта ҳосил бўлди?

571. Тошкент — Янгийўл электропоездига билет олиш учун автоматкассага 2 та 15 тийинлик ва 1 та 20 тийинлик танга ташлаш керак. Тошкентдан Янгийўлгача поезд билети қанча туради? 1 сүмга нечта билет олиш мумкин?

572. Жадвалга кўра масала туз ва уни еч:

1 яшигининг оғирлиги	Яшиклар сони	Ҳамма яшикнинг оғирлиги
6 кг 8 кг	Бир хилда	42 кг ?

573. 80 сони 20 дан неча марта катта?

- 574.** $12 \cdot 2$ $14 \cdot 6$ $15 \cdot 6$ $38 + (19 + 8) - 36$
 $12 \cdot 3$ $14 \cdot 5$ $20 \cdot 5$ $24 + 69 - (81 - 7)$
 $12 \cdot 4$ $14 \cdot 4$ $18 \cdot 2$ $86 - (23 - 6) + 23$
● $12 \cdot 5$ $14 \cdot 3$ $16 \cdot 2$ $72 - 24 + (25 - 7)$

575. Ифодани ёз: 30 ва c сонларининг айрмаси. Агар $c = 30$, $c = 21$, $c = 18$, $c = 0$ бўлса, айрманинг қийматини топ.

576. Агар $d = 2$, $d = 9$, $d = 15$, $d = 42$ бўлса, $d + 18$ ийғиндининг қийматини топ.

577. $13 \cdot 7$ $28 \cdot 3$ $16 \cdot 4$ $36 \cdot 2$ $11 \cdot 9$
 $7 \cdot 13$ $3 \cdot 28$ $4 \cdot 16$ $2 \cdot 36$ $9 \cdot 11$

578. Аёл иккита ўғлига костюм олди. Костюмларнинг шими 7 сўмдан, курткаси эса 8

сўмдан туради. Иккала костюмга неча пул тўланган?

Масалани турли усуллар билан еч.

579. 2 та блокнот 18 тийин туради ...

Масалани давом эттири, у бундай ечилисин: $18:2 \cdot 5$.

580. Иккита бир хил чамадоннинг оғирлиги иккита бир хил рюкзак ва бир сумканинг оғирлигига teng. Агар 1 рюкзак 8 кг, сумка 4 кг келса, ҳар бир чамадоннинг оғирлиги қанча?



581. 1) Қайси сон 56 дан 7 марта кичик? 8 марта кичик?

2) Қайси сон 9 дан 3 марта катта? 4 марта катта? 6 марта катта? 7 марта катта? 8 марта катта? 9 марта катта?

582. $19 \cdot 3$ $11 \cdot 6$ $3 \cdot 3 + 9 \cdot 9$ $90 - 21:3 \cdot 6$

$19 \cdot 4$ $11 \cdot 9$ $4 \cdot 4 + 5 \cdot 5$ $59 + 8 \cdot 5:20$

● $19 \cdot 5$ $11 \cdot 4$ $6 \cdot 6 + 7 \cdot 7$ $60 - 18:2 \cdot 3$

583. Мисолларни ечишни түшүнтири:

$$6 \cdot 12 = 12 \cdot 6 = 72$$

$$3 \cdot 27 = 27 \cdot 3 = 81$$

584. Юқоридагидек фикр юритиб, қуийдаги мисолларни еч:

$$2 \cdot 32 \quad 6 \cdot 13 \quad 3 \cdot 22 \quad 4 \cdot 19 \quad 7 \cdot 12 \quad 4 \cdot 21$$

585. Қуийдаги масалалар нимаси билан үхашаш ва нимаси билан фарқ қилишини аниқла ва уларни еч:

1) Бир түпда 24 м, иккинчисида ундан 8 м кам газлама бор эди. Иккинчи түпдан бир неча бир хил күйлак тикилди, ҳар бир күйлакка 4 м газлама кетди. Нечта күйлак тикилган?

2) Бир түпда 24 м, иккинчисида ундан 8 м кам газлама бор эди. Бу газламаларнинг ҳаммасидан бир хилда бир неча күйлак тикилди, ҳар бир күйлакка 4 м газлама кетди. Нечта күйлак тикилган?

586. 12 қызың қоғоздан гул ясамоқда. Ҳар қайси қызы яшил қоғоздан 4 тадан ва сариқ қоғоздан 2 тадан барг қийиб олди. Қызлар ҳаммаси бўлиб нечта барг қийиб олишган?

587. Ифодани ўқи: $a:6$. Агар $a=54$, $a=42$, $a=36$, $a=0$ бўлса, бўлинманинг қийматини топ.

588. 24 сонини ҳар бири 2 га бўлинадиган иккита қўшилувчининг йиғиндисига алмаштири.

Намуна: $24 = 20 + 4$.

589.	2 · 18	18 · 5	$81:9 - 36:9$	80:20 · 17
	3 · 26	2 · 43	$54:6 + 56:8$	90:30 · 25
	4 · 24	17 · 3	$42:7 - 27:9$	60:20 · 31
●	5 · 19	7 · 12	$72:8 - 32:8$	80:40 · 37

590. Болалар боғчасида бир ҳафтада 60 кг ун ишлатилди. 4 кун ҳар куни 12 кг дан, қолган ун эса кейинги 3 кунда кунига баравардан ишлатилди. Ҳафтанинг кейинги уч кунида кунига неча килограммдан ун ишлатилган?



12 кг

12 кг

12 кг

12 кг

?

?

?

591. Колхоз сотиш учун 100 кг помидор жўнатиши керак эди. Олдин ҳар бирига 6 кг дан кетадиган 12 яшикка, сўнгра эса ҳар бирига 4 кг дан кетадиган бир неча яшикка помидор жойланди. Бунда нечта кичик яшик керак бўлган?

592. Қисқа ёзувига кўра масала туз ва уни еч:

	1 та нарсанинг баҳоси	Нарсалар сони	Тўланган пули
Белкурак Тўп	10 тийин ?	2 4	1 сўм

593. Ифодаларни ёз ва уларнинг қийматларини ҳисобла:

- 1) 36 ва 18 сонлари йиғиндисини 9 га бўлиш.
- 2) 36 ва 9 сонлари бўлинмасига 18 ва 9 сонлари бўлинмасини қўшиш.

594. 36 сонини ҳар бири 3 га бўлинадиган иккита қўшилувчининг йиғиндиси кўринишида ёз.

595.	$4 \cdot 25 - 33$	$5 \cdot 18 - 36$	$32 + 8 \cdot 6$	$32:4:8$
	$3 \cdot 32 - 49$	$3 \cdot 18 - 29$	$70 - 7 \cdot 6$	$42:7 \cdot 0$
	$90 - 2 \cdot 28$	$67 - 14:2$	$58 + 6 \cdot 7$	$56:8 \cdot 1$
●	$86 - 3 \cdot 12$	$90 - 27:3$	$83 - 9 \cdot 5$	$48:6:2$

Мустаҳкамлаш учун машқлар.

1.	$0 \cdot 4$	$6 \cdot 0$	$0 \cdot 8$	$0:5$	$(7 - 7) \cdot 3$
	$0 \cdot 7$	$8 \cdot 0$	$1 \cdot 8$	$0:9$	$6 \cdot (5 - 5)$
2.		$3 \cdot 1$	$* 3 \cdot 0$	$0:9$	$* 0:5$
		$0:4$	$* 0 \cdot 4$	$6:1$	$* 9:1$
3.	$72:9:7$	$6 \cdot 7 - 54:6$			$(20 - 4):2 \cdot 7$
	$36:4 \cdot 9$	$70 - 81:9 \cdot 5$			$45:(12 - 3) \cdot 8$
	$63:7 \cdot 8$	$9 \cdot 8 - 5 \cdot 9$			$(24 + 30):6 \cdot 3$
4.	$67 + 28 - 46$	$72 - 54:6 + 15$			$0 \cdot 15 \cdot 19$
	$94 - 35 + 27$	$43 - 37 + 4 \cdot 7$			$(72 - 54) \cdot 0$
	$16 + 84 - 48$	$9 \cdot 5 - 26 + 17$			$0:(35 + 49)$
5.	$20 \cdot 4$	$3 \cdot 30$	$40:2$	$40:20$	$20 \cdot 5$
	$30 \cdot 2$	$4 \cdot 20$	$60:3$	$90:30$	$80:2$
	$20 \cdot 3$	$2 \cdot 50$	$80:4$	$60:20$	$60:30$
6.	$(10 + 6) \cdot 6$		$(8 + 2) \cdot 9$		$(10 + 5) \cdot 3$
	$(6 + 4) \cdot 7$		$(5 + 3) \cdot 8$		$(10 + 9) \cdot 4$

<i>b</i>	0	1	2	3	4	5
$20 \cdot b$						

<i>c</i>	3	2	1	0
$c \cdot 30$				

$32 \cdot 2$	$27 \cdot 3$	$14 \cdot 6$	$3 \cdot 25$	$9 \cdot 11$
$15 \cdot 4$	$39 \cdot 2$	$19 \cdot 5$	$7 \cdot 12$	$6 \cdot 15$
$48 \cdot 2$	$18 \cdot 4$	$17 \cdot 4$	$5 \cdot 16$	$7 \cdot 13$

Кўпайтувчи	18	19	20	21	22	23	24	25
Кўпайтувчи	4	4	4	4	4	4	4	4
Кўпайтма								

10.  $5 * 1 * 0 = 0$ $5 * 1 * 0 = 5$
 $5 * 1 * 0 = 6$ $5 * 1 * 0 = 4$

11. Бир сигир 3 кунда 24 кг кепак ейди. Бу сигирга 7 кунга қанча кепак тайёрлаш керак?

12. Иккита бир хил қутида 12 та қалам бор. Учта шундай қутида нечта қалам бор?

13. Карим 15 тийинга 5 та бир хил дафтар сотиб олди. 18 тийинга шундай дафтарлардан нечта сотиб олиш мумкин?

14. Қизча 50 тийинга 6 тийинлик конвертдан 5 та ва шунча чиройли открыткалар олди. Бу открыткаларнинг ҳар бири неча тийин туради?

«Ажойиб рамкалар» ўйини.


8	?	16
?	45	?
20	?	14

14	?	29
?	70	?
19	?	41

26	?	37
?	83	?
48	?	13

15. Болалар боғчасининг бир группасида 23 та, иккинчисида 21 та бола бор. Бу группалардаги ҳар бир болага 2 тадан бериш учун нечта олма керак бўлади?
16. Мактаб буфетига 100 порция овқат келтирилди. Ҳар бирида 34 ўқувчиси бўлган икки синф болалари овқатланди. Яна неча порция овқат қолган?
17. Ифодалар бўйича масалалар туз ва уларни еч:
 $36 \cdot 2 + 3 \cdot 4$ $100 - 42 \cdot 2$ $35 + 18 \cdot 3$
18. Колхозда 24 та гусенициали трактор бор, ғилдиракли тракторлар улардан 16 та кам. Гусенициали тракторлар ғилдиракли тракторлардан неча марта ортиқ?
19. З та вилка учун 90 тийин, пичноқ учун 40 тийин тўланди. Битта вилка ва битта пичноқдан иборат набор қанча туради?
20. Бир томонининг узунлиги 6 см, иккинчи томони ундан 3 марта кичик бўлган тўғри тўртбурчак чиз. Бу тўғри тўртбурчак томонларининг узунликлари йиғиндисини топ.
21. Квадрат томонлари узунликларининг йиғиндиси 24 см. Бу квадрат томонининг узунлигини топ.
22. Бирининг узунлиги 12 см, иккинчisi ундан 4 марта қисқа бўлган иккита кесма чиз.

Йиғиндини сонга бўлиш.



596. Масалани ўқи ва уни ечишнинг турли усулларини таққосла. Қизил кийим кийган 6 бола ва кўк кийим кийган 4 бола тенг икки командаага бўлиннишди. Ҳар қайси команда да нечтадан бола бўлди? Бу масалани ечишнинг икки усулини қараб чиқ ва ҳар бир усульнни тушунтири:

Биринчи усул:

Иккинчи усул:



$$6:2 + 4:2 = 5$$

$$(6+4):2 = 5$$

Жавоб: 5 тадан бола.

597. $(6+9):3$ мисолни ечишнинг икки усулини қараб чиқ:

1) Йиғиндини ҳисобла ва чиқсан натижани сонга бўл:

$$(6+9):3 = 15:3 = 5$$

2) Ҳар бир қўшилувчини сонга алоҳида-
алоҳида бўл, сўнгра чиқсан натижаларни
қўш: $(6+9):3=6:3+9:3=2+3=5$
Натижаларни таққосла.

598. Ҳар бир ифоданинг қийматини икки усул
билин ҳисобла:

$$(10+4):2 \quad (8+12):4 \quad (12+15):3$$

599. Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини
қайси усул билан топиш мумкинлигини ту-
шунтир:

$$(11+13):6 \quad (70+14):7 \quad (30+21):3$$

600. Бир бўлакда 15 м, иккинчи бўлакда 12 м
газлама бор эди. Ҳамма газламадан кўй-
лаклар тикилди. Ҳар бир кўйлакка 3 м газ-
лама кетди. Ҳаммаси бўлиб нечта кўйлак
тикилган?

601. Агар $b=72$, $b=81$, $b=54$, $b=63$, $b=45$
бўлса, $b:9$ бўлинманинг қийматини ҳисоб-
ла.

602. $24+(23+6)\cdot 2$ $48:8+32:8$ $9\cdot 10:30$
 $(7+11)\cdot 4 - 32$ $30:3+12:3$ $80:20\cdot 7$
● $95-(18+5)\cdot 4$ $80:4+16:4$ $100:20\cdot 8$

603. 1) Амалларни кўрсатилган тартибда ҳи-
собла:

$$(62+18):8 \quad (36+27):9 \quad (40+16):7$$

- 2) Йиғиндидаги ҳар қайси қўшилувчи сон-
га бўлинадиган мисол ёз ва уни бошқа
усул билан еч.

604. 48 ни шундай икки сон йиғиндиси шаклида ёзгінки, уларнинг ҳар бири 2 га бўлина-диган бўлсин. Шу икки сон йиғиндисини 2 га бўлишга доир мисол туз ва уни еч.

605. Усуллардан бири билан еч:

$$(30 + 9):3 \quad (50 + 10):5 \quad (23 + 27):5$$
$$(80 + 4):2 \quad (40 + 12):4 \quad (30 + 18):3$$

606. Октябрятлар Совет Армияси кунига ветеранларни табриклаш учун донаси 6 тийинлик конвертдан 36 тийинлик, Халқаро хотин-қизлар куни 8 марта атаб ўша нархда 24 тийинлик конверт сотиб олдилар. Октябрятлар ҳаммаси бўлиб нечта конверт сотиб олишган?



607. Масалаларни турли усуллар билан еч:

1) Ҳар бирига 6 кг дан мева кетадиган яшикларга 36 кг олма ва 24 кг нок жойланди. Ҳаммаси бўлиб нечта яшик керак бўлган?

2) Вали 15 тийинга ҳар бири 5 тийиндан бир нечта марка сотиб олди. Карим 20 тийинга шундай маркалардан бир нечтасини сотиб олди. Иккала бола биргаликда ҳаммаси бўлиб нечта марка сотиб олди?

608. 1) $a=12$, 2) $a=18$, 3) $a=15$,
 $b=16$, $b=19$, $b=10$


бўлганда $a \cdot 4$ ва $b \cdot 3$ ифодаларнинг қийматларини топ.

609. $96 - 2 \cdot 39$ $17 + 2 \cdot 27$ $72 : 8 + 24 : 1$
 $75 - 4 \cdot 15$ $28 + 5 \cdot 11$ $81 : 9 + 8 \cdot 7$
 $82 - 2 \cdot 19$ $79 + 2 \cdot 10$ $42 : 6 + 8 \cdot 8$

610. Йиғиндини сонга бўл:

$$(60 + 9) : 3 \quad (40 + 6) : 2 \quad (80 + 4) : 4$$

611. Шундай тўртбурчакларни чиз ва қийиб ол.
Улардан тўғри тўртбурчак туз ва унинг томонлари узунликларининг йиғиндисини топ.



48:3

612. Йиғиндини сонга бўл:

$$(30 + 6) : 3 \quad (40 + 8) : 4 \quad (80 + 2) : 2$$

613. Мисолларнинг ечилишини тушунтири:

$$\begin{aligned} 46 : 2 &= (40 + 6) : 2 = \\ &= 40 : 2 + 6 : 2 = \\ &= 20 + 3 = 23 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} 96 : 3 &= (90 + 6) : 3 = \\ &= 90 : 3 + 6 : 3 = \\ &= 30 + 2 = 32 \end{aligned}$$

$$614. \begin{array}{lllll} 33:3 & 64:2 & 88:4 & 86:2 & 99:3 \\ 24:2 & 63:3 & 39:3 & 84:4 & 77:7 \end{array}$$

615. Туристик юришга 13 киши бормоқда, ҳар бир киши учун 2 банкадан гүшт консерваси ва 3 банкадан сабзавот консерваси олиш керак. Ҳаммаси бўлиб неча банка консерва олиш керак? Масалани турли усуллар билан еч.

616. З та кесма чиз: биринчисининг узунлиги 8 см, иккинчиси биринчидан 4 см узун, учинчиси эса иккинчисидан икки марта қисқа бўлсин. Ҳар бир кесманинг узунлиги қанча?

617. Жадвалларга ёзилган ифодаларни ўқи. Ҳарфларнинг берилган қийматларида уларнинг қийматларини топ:

a	4	6	9	13	c	4	6	9	13
$27+a$					$32-c$				

618. Электр узатиш линиясида ҳар бир сменада ҳар бирида 12 киши бўлган 2 бригада сим тортувчилари 2 смена бўлиб ишламоқда. Ҳаммаси бўлиб қанча сим тортувчилар ишламоқда?



619. $38 + 63 : 7 \cdot 6$	$15 \cdot 3 + 25$	$56 - 7 \cdot (30 - 22)$
$100 - 54 : 9 \cdot 8$	$73 - 12 \cdot 5$	$28 + (90 - 18) : 9$
$64 + 28 : 7 \cdot 9$	$7 \cdot 13 - 90$	$(31 + 23) : 6 + 41$
● $92 - 72 : 9 \cdot 6$	$94 - 26 \cdot 3$	$7 \cdot (20 - 13) + 11$

620. Йиғиндини сонга бўл:

$$(30 + 21) : 3 \quad (40 + 24) : 4 \quad (60 + 36) : 6$$

621. Мисолларнинг ечилишини тушунтириш:

$36 : 2 = (20 + 16) : 2 =$	$65 : 5 = (50 + 15) : 5 =$
$= 20 : 2 + 16 : 2 =$	$= 50 : 5 + 15 : 5 =$
$= 10 + 8 = 18 =$	$= 10 + 3 = 13$

622. $72 : 6$	$52 : 4$	$42 : 3$	$36 : 2$	$22 : 2$
$84 : 7$	$91 : 7$	$88 : 8$	$85 : 5$	$56 : 4$

623. Бир аёл 15 кг бодрингни ҳар банкага 3 кг дан солиб тузлади, помидорни эса кичикроқ банкаларнинг ҳар бирига 2 кг дан солиб тузлади. Бодринг ва помидор тузланган банкалар сони бир хил бўлди. Бу аёл неча килограмм помидор тузлаган?

624. Жадвалга қараб масала туз ва уни еч:

1 та буюмнинг баҳоси	Буюмлар сони	Жами пули
30 тийин 20 тийин	Бир хил	90тийин ?

625. 36 сони 3 дан неча марта катта? 3 сони 36 дан неча бирлик кичик?

626. Қайси сон 28 дан 2 марта катта?

- 627.** Ҳамма бир хонали тоқ сонларни ёз. Ҳар бир сонни 5 марта орттири.
- 628.** Тенгсизликлар түғри ёки нотүғрилигини текшири ва ёз:
- 1) 35 ва 2 сонлари кўпайтмаси улар йиғиндисидан катта.
 - 2) 35 ва 0 сонлари кўпайтмаси улар йиғиндисидан кичик.
- 629.**
- | | | |
|-----------------|-------------------|------------------------|
| $(36 + 24):6$ | $19 \cdot 4 - 38$ | $43 - 27 + 32:4$ |
| $(49 + 28):7$ | $28 \cdot 3 - 57$ | $98 - 23 \cdot 4 + 24$ |
| ● $(64 + 24):8$ | $34 + 13 \cdot 5$ | $68:2 + 28 \cdot 2$ |
- 630.** Йиғиндини сонга бўл:
- $$(40 + 10):2 \quad (60 + 18):3 \quad (80 + 12):4$$
- 631.** Мисолларнинг ечилишини тушунтири:
- | | |
|--|--|
| $70:2 = (60 + 10):2 =$
$= 60:2 + 10:2 =$
$= 30 + 5 = 35$ | $96:4 = (80 + 16):4 =$
$= 80:4 + 16:4 =$
$= 20 + 4 = 24$ |
|--|--|
- 632.**
- | | | | | |
|--------|--------|--------|--------|--------|
| $72:3$ | $91:7$ | $99:9$ | $72:4$ | $90:2$ |
| $96:2$ | $60:5$ | $64:4$ | $57:3$ | $78:3$ |
- 633.** 20 та креслони қоплаш учун 40 м газлама керак. 32 м газлама ишлатилди. Нечта кресло қопланди?
- 634.** Аёл арчага осиладиган шарларни қутичаларга жойламоқда. У ҳар бир қутичага 3 та яшил ва 3 та қизил шар жойлади. Қутичалар 16 та бўлди. Аёл ҳаммаси бўлиб нечта шарни жойлаган?

635. Ҳамма томонлари узунликларининг йиғиндиси 4 дм 4 см бўлган квадрат чиз.

636.

b	6	7	8	9	c	28	35	49	63
$b \cdot 8$					$c:7$				

637. $17 \cdot 3$ $90:30$ $26 \cdot 2 + 9$ $34 + 7 \cdot 8 - 57$
 $18 \cdot 3$ $80:40$ $3 \cdot 27 - 6$ $45:5 - 72:9$
 \bullet $19 \cdot 4$ $100:2$ $2 \cdot 31 - 8$ $46 - 38 + 54:6$

638. Оғзаки тушунтириш билан еч:

$$63:3 \quad 36:2 \quad 90:5 \quad 84:3$$

639. $84:2$ $75:5$ $(37 + 18):5$ $6 \cdot 9:3$
 $69:3$ $92:4$ $(82 + 17):3$ $8 \cdot 8:4$
 $99:9$ $80:5$ $(39 + 29):4$ $63:7 \cdot 6$

640. Ушбу ифодалардан фойдаланиб, иккита тенглик ёз:

$$45:3 \quad 12 \cdot 7 \quad 92 - 77 \quad 36 + 48$$

641. 1) Туристик базада 8 та кичик ва 5 та катта чодир бор. Ҳар бир кичик чодирга 4 тадан, ҳар бир катта чодирга эса 10 тадан каравот қўйилган. Бу чодирларнинг ҳаммасига нечта каравот қўйилган?

2) Туристик базада 32 турист чодирларга 4 кишидан, 40 турист 10 кишидан жойлашди. Бу туристлар ҳаммаси бўлиб нечта чодирга жойлашган?

642.



Колхоз отарида 48 та йирик йилқи бўлиб, тойлар улардан 4 марта кам. Колхоз отаридаги йирик йилқилар тойлардан қанча кўп?

643. 1) Ифодани ўқи: $c - d$. Тушунтири, $c = 90$, $d = 35$ бўлганда $c - d$ ифоданинг қийматини қандай топдинг:

$$\frac{c - d}{90 - 35 = 55}$$

2) $a + b$ ифодани ёз. $a = 16$, $b = 37$ бўлганда ифоданинг қийматини топ.

644. Дўконга ҳар бирида 8 кг дан 12 яшик олма келтирилди. Тушгача 9 яшик олма сотилди. Тушдан кейин сотиш учун неча килограмм олма қолган?

Бир ўқувчи масаладан бундай ифода тузди: $8 \cdot 12 - 8 \cdot 9$; иккинчи ўқувчи бундай ифода тузди: $8 \cdot (12 - 9)$.

Биринчи ўқувчи қандай ва иккинчи ўқувчи қандай фикр юритганлигини тушунтири. Ечишнинг қандай усули осон?

645. Пионер лагерида ҳар бирида 20 кишидан 5 отряд бор. Бир куни 3 отряднинг ҳамма пионерлари сабзи ўташ учун колхозга чиқди. Лагерда нечта пионер қолган?

646.

Бўлинувчи	12		24		48		56	
Бўлувчи	6	2		4		6		2
Бўлинма		8	3	7	6	9	8	5

647. $21 \cdot 3 * 21 \cdot 2 + 21 \cdot 2$ $15 \cdot 6 *$ $14 \cdot 7$



$4 \cdot 25 - 3 \cdot 25 *$ $25 \cdot 2$ $29 \cdot 3 *$ $3 \cdot 28$

648. $52:4$ $74:2$ $10 - 8 \cdot 11$ $14 \cdot 5 + 98:7$
● $78:6$ $90:5$ $8 + 6 \cdot 15$ $3 \cdot 19 - 60:4$

Бўлиш ва кўпайтиришни текшириш.

Бўлишни кўпайтириш билан текшириш мумкин:

$78:3 = 26$ Текшириш: $26 \cdot 3 = 78$

Бўлинма бўлувчига кўпайтирилди, бўлинувчи ҳосил бўлди. Демак, бўлиш тўғри бажарилган.

649. Бўлишни бажар ва ечимни кўпайтириш билан текшириш:

$96:6$ $51:3$ $58:2$

650. Қуйидаги мисолларда бўлинма тўғри ҳисобланганми, текшириб кўр:

$64:4 = 14$ $87:3 = 28$



- 651.** Ўғил болалар 8 м баландликдаги вишкадан, қызлар эса 2 м баландликдаги вишкадан сувга сакрадилар. Биринчи вишка иккинчисидан неча марта баланд?
- 652.** Район мусобақаларида бизнинг мактабимиздан 18 та югурувчи, қўшни мактабдан эса ундан икки марта ортиқ югурувчи қатнашди. Иккала мактабдан ҳаммаси бўлиб нечта югурувчи мусобақаларда қатнашган?
- 653.** Ифодалар бўйича масалалар туз ва уларни еч:

$$32:4 \quad (32:4) + 32$$

654.

Кўпайтувчи	8		7		8		8	
Кўпайтувчи	2	3		9		6		9
Кўпайтма		18	28	27	56	54	64	81

- 655.** Ифодани ўқи: $b \cdot c$. $b=14$, $c=5$ бўлганда кўпайтманинг қийматини топ.

- 656.** $96:6$ $60:5$ $8 \cdot 12 - 36$ $82 - 56 + 18:9$
● $87:3$ $76:2$ $7 \cdot 13 - 15$ $74 - 36 - 42:6$

Күпайтиришни бўлиш билан текшириш мумкин:

$$18 \cdot 4 = 72 \text{ Текшириш: } 72 : 4 = 18$$

Кўпайтма кўпайтувчилардан бирига бўлинди, иккинчи кўпайтувчи ҳосил бўлди. Демак, кўпайтириш тўғри бажарилган.

657. Кўпайтиришни бажар ва уни бўлиш билан текшириш:


$$27 \cdot 3 \quad 32 \cdot 2 \quad 17 \cdot 5 \quad 14 \cdot 6$$

658. Бўлишни бажар ва уни кўпайтириш билан текшириш:

$$84 : 3 \quad 62 : 2 \quad 52 : 4 \quad 76 : 2$$

659. Бир ишчи бир кунда 23 та, иккинчиси эса 21 та деталь ясади. Бу иккала ишчи икки кунда нечта деталь ясайди?

660. Расмга қараб, кимнинг йўли қисқалигини топ.



661. Агар $c = 84$, $d = 6$; агар $c = 84$, $d = 3$; агар $c = 84$, $d = 2$ бўлса, $c:d$ ифоданинг қийматини ҳисобла.

662. $90 : 30 \quad 60 : 5 \quad (38 + 14) : 2 \quad (53 - 26) : 3$
 $80 : 20 \quad 76 : 2 \quad (81 - 17) : 8 \quad (100 - 56) : 4$

68:17. Бўлинувчи 68 ҳосил бўлиши учун бўлувчи 17 ни қайси сонга кўпайтиришни топамиз:

$$17 \cdot 2 = 34, \text{ 2 сони тўғри келмайди.}$$

$$17 \cdot 3 = 51, \text{ 3 сони тўғри келмайди.}$$

$$17 \cdot 4 = 68, \text{ демак, } 68:17 = 4$$

663. Шундай мулоҳаза юритиб, бўлинмани топ:
72:18.

664. $48 - 24 \quad 87:29 \quad 5 \cdot 16 \quad (82 - 12):5 \quad 56 : 8 \cdot 7$
 $36 - 12 \quad 84:28 \quad 9 \cdot 11 \quad (90 - 18):8 \quad 81:9 \cdot 8$
 $52 - 26 \quad 50:25 \quad 3 \cdot 22 \quad (73 - 19):3 \quad 45:5 \cdot 7$

665. Кўпайтиришни бажар, ечимни бўлиш билан текшир:

$$19 \cdot 3 \quad 24 \cdot 2 \quad 33 \cdot 3 \quad 15 \cdot 5$$

666. Агар 25 л сутдан 1 кг сариёғ олинса, 75 л сутдан неча килограмм сариёғ олинади?

667. Битта сочиқ 1 сўм, учта дастрўмол 75 тийин туради. Битта сочиқнинг пулига нечта дастрўмол олиш мумкин?

668. Расмга қараб қўйидагича ечиладиган масалалар туз:

- | | | |
|-----------------|----------------|-----------------------|
| 1) $16 + 8$ | 2) $16 - 8$ | 3) $16:8$ |
| 4) $16 \cdot 2$ | 5) $8 \cdot 2$ | 6) $(16 + 8) \cdot 2$ |



- 669.** 1) 27 ва 15 сонлари йиғиндисини 6 га бўлиш.
2) 12 ва 6 сонлари кўпайтмасига 8 ни қўшиш.
- 670.** 90 дан кичик ва 9 га бўлинадиган сонларни айт. Уларнинг ҳар бирини 9 га бўл.
- 671.** Мисолларни оғзаки тушунтириш билан еч:
66:33 55:11 96:24 96:4
- 672.** 88:22 72:12 $21 \cdot 4 - 72:2$ 45:9 · 7
44:11 90:15 $81:3 + 70:5$ 64:8 · 9
99:33 70:14 $38 \cdot 2 - 57:3$ 32:4 · 7
- 673.** 1) 6 ва 11 сонларининг кўпайтмаси 3 дан неча марта катта?
2) 25 сони 100 дан неча марта кичик?
- 674.** Учбурчак томонлари узунликларининг йиғиндиси 18 см. Бир томонининг узунлиги 8 см, иккинчи томони 4 см. Учинчи томон узунлигини топ.
- 675.** 1) Икки муқовачининг ҳар бири 96 тадан китоб муқовалashi керак эди. Улардан бири кунига 12 та китоб, иккинчиси 16 та китоб муқовалади. Ҳар қайси муқовачи ишни неча кунда тамомлаган? Қайси муқовачи ишни олдин ва неча кун олдин тамомлаган?
2) Уста бир ҳафтада 72 та китобни муқовалади, унинг шогирди эса шу вақтда 36 та кам китобни муқовалади. Уста шогирдидан неча марта ортиқ китоб муқовалади?

676. а:с ифоданинг қийматини ҳарфларнинг жадвалда кўрсатилган қийматларида ҳисобла:

a	23	34	84	0	36
c	23	17	28	81	1

677. 1) 6, 12, 16 сонлари қандай жуфт сонларга бўлинади?

2) 24 сони қандай бир хонали сонларга бўлинади?

678. 1) Берилган сонлардан 3 га бўлинадиган энг катта сонни айт: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7.
2) 5 гача (10 гача, 14 гача) бўлган сонлар ичидан 3 га бўлинадиган энг катта сонни айт.

3) 22 гача бўлган сонлар ичидан 4 га, 5 га, 6 га, 7 га бўлинадиган энг катта сон қайси?

679. Хонанинг деворига ёпишириш учун ҳар бири 7 м бўлган 13 бўлак гулқоғоз керак. Узунлиги 12 м дан бўлган 8 бўлак гулқоғоз сотиб олинди. Бу гулқоғозлар хона деворига ёпишириш учун етадими?

680. Узунлиги 4 м ва эни 3 м (эшикнинг кенглиги — 1 м) бўлган тўғри тўртбурчак шаклидаги хона деворларидан ўтадиган плинтуснинг узунлигини топ.

681. 14 та қиз ва 12 та ўғил бола коптотк үйини ўйнашди. Улар тенг икки командаға бўлинишди. Ҳар қайси командада неча киши бўлган?

682.  $9 \cdot 8 - 9 * 9 \cdot 6$ $13 \cdot 2 + 13 \cdot 4 * 13 \cdot 5$
 $12 \cdot 7 * 7 \cdot 12$ $7 \cdot 5 + 9 \cdot 5 * 16 \cdot 6$

683. Текшириш билан еч: $7 \cdot 12$, $68:4$, $72:18$.

- 684.** 1) 16 марта орттирип: 2, 3, 4, 5, 6.
2) 15 марта камайтирип: 30, 45, 60, 75, 90.

685. $3 \cdot 24$ $34:17$ $(34+56):2$ $63:9 \cdot 4$
 $4 \cdot 16$ $100:25$ $(76+14):6$ $72:8 \cdot 5$
 $5 \cdot 18$ $44:22$ $(93-9):7$ $49:7 \cdot 3$

686. Ҳисобламасдан, натижалари бир хил бўлган мисолларни жуфт-жуфти билан ёз.
Ҳисоблаш билан текширип:

$4 \cdot 7$	$9 \cdot 3$	$5 \cdot 7 + 5$	$7 \cdot 3 + 7$
$8 \cdot 5$	$8 \cdot 9$	$8 \cdot 9 - 8$	$5 \cdot 9 - 5$
$3 \cdot 9$	$7 \cdot 4$	$3 \cdot 10 - 3$	$8 \cdot 7 + 8$
$9 \cdot 8$	$5 \cdot 8$	$7 \cdot 5 - 7$	$3 \cdot 8 + 3$

Қолдиқли бўлиш.



11 та байроқча ҳар бир болага 2 тадан қилиб бўлиб берилди. Нечта бола байроқча олди ва нечта байроқча қолди?

Масала ечимини бундай ёзиш мүмкін:

$$11:2=5 \text{ (1 қолдик)}$$

Жағоб: 5 та бола байроқча олди ва 1 та байроқча қолди.

687. Расмни қара ва ёзувни түшүнтири:



$$19:4=4 \text{ (3 қолдик)}$$

688. 14 та доирача чиз. 14 та доирачада 3 та доирачадан неча марта борлигини билиш учун ҳар уcta доирачани чизиқча билан ажратиб чиқ.

Ёзувни түшүнтири: $14:3=4$ (2 қолдик).

689. Расм ишлаб бўлиш амалини бажар:

$$10:3 \quad 12:5 \quad 8:3 \quad 9:2$$


690. 33 гача бўлган қандай энг катта сон 4 га бўлинади? 5 га, 6 га, 7 га бўлинади?

691. Каримада 1 сўм бор эди. У 64 тийинига китоб олди. Қолган пулига ҳар бири 12 тийинлик дафтардан олмоқчи бўлди. Карима шундай дафтардан нечта олиши мумкин?

692.  $48:2 * 48:3 \quad 8 \text{ дм } 5 \text{ см } * 58 \text{ см}$
 $54:3 * 57:3 \quad 9 \text{ м } 3 \text{ дм } * 93 \text{ дм}$

693. $66:33 \quad 52:13 \quad 68+91:7 \quad 36+16\cdot 4 \quad 0\cdot 9$
● $48:16 \quad 84:12 \quad 90-96:4 \quad 98-48\cdot 2 \quad 0:6$
 $57:19 \quad 96:32 \quad 40-85:5 \quad 90-27\cdot 3 \quad 8\cdot 0$

694. 1) Мисолларнинг ечилишини тушунтириш:



$$7:2=3 \text{ (1 қолдик)}$$



$$8:2=4 \text{ (0 қолдик)}$$



$$9:2=4 \text{ (1 қолдик)}$$

2 га бўлганда қандай қолдиқлар қолади?

2) Расмдан фойдаланиб, бўлишни бажар:

$$6:3 \quad 7:3 \quad 8:3 \quad 9:3$$

3 га бўлганда қандай қолдиқлар қолади?

3) 4 га бўлганда, 5 га бўлганда, 6 га бўлганда қандай қолдиқлар қолади?

Бўлишда чиққан қолдик ҳар доим бўлувчидан кичик бўлиши керак.

695. 5 га бўлганда қолдиқда 8 қолиши мумкинми? 7- чи? 6- чи? 5- чи?

696. Аэродромда 10 та самолёт учишга тайёр турибди. Ҳавога учта-учта бўлиб қанча учталик самолёт кўтарила олади? Аэродромда нечта самолёт қолади?

697. 43 гача бўлган қандай энг катта сон 5 га бўлинади? 6 га бўлинади? 7 га бўлинади? 8 га бўлинади? 9 га бўлинади?

698.



Ошхонада бир порция овқатта 3 та құймоқ берилади. Ошпазда 17 та құймоқ қолди. Бу құймоқ неча порция овқатта етади ва нечта құймоқ қолади?

699. Томонлари узунликларининг ийғиндиси 1 дм 2 см бўлган квадрат чиз.

700. Мисолларни текшириш билан еч:

$$5 \cdot 17 \quad 81:27 \quad 78:3 \quad 18 \cdot 4 \quad 91:13$$

$34 + 48 - 20$	$56:8 + 81:9$	$24:3 \cdot 8$
$75:3 + 60$	$54:6 + 7 \cdot 7$	$36:9 \cdot 6$

23:4. 23 сони 4 га бўлинмайди. 23 гача 4 га бўлинадиган энг катта сон 20. 20 ни 4 га бўламиз, бўлинмада 5 чиқади. 23 дан 20 ни айирамиз, 3 қолдиқ қолади.

$$23:4 = 5 \text{ (3 қолдиқ)}$$

3 қолдиқ бўлувчи 4 дан кичик.

702. Шундай мулоҳаза юритиб, мисолларни еч:
 $19:2 \quad 26:3 \quad 28:5 \quad 15:6 \quad 25:7$

703. Устахонада велосипед учун 7 та ғилдирак бор эди. Ремонт қилишда ҳар бир велосипедга 2 тадан ғилдирак қўйилди. Нечта велосипедга ғилдирак қўйилган ва устахонада нечта ғилдирак қолган?

704. 12 см узунликдаги кесма чиз. Бу чизмада 5 см дан нечта борлигини кўрсат.

705. Ўқувчилар болалар боқчаси учун чаналар ясашди. Ҳар бир чанага 8 та тахта кетади. Агар улар 40 та тахта ишлатишган бўлса, нечта чана ясашган?

706.

a	7	6		c	32		36
b		9	8	d		8	4
$a \cdot b$	49		48	$c:d$	4	7	

707. Аёл 12 та чойнак учун 36 сўм тўлади. Шундай 2 та чойнак қанча туради? 6 та шундай чойнак қанча туради?

708. Мисолларни текшириш билан еч:

$$24 \cdot 3 \quad 56:28 \quad 15 \cdot 6 \quad 93:31 \quad 72:4$$

$$\begin{array}{lll} 709. \quad 3 \cdot 33 - 28:4 & 48 \cdot 1 - 56 \cdot 0 & 48:6 \cdot 7 \\ 2 \cdot 48 + 72:24 & 0 \cdot 75 + 5 \cdot 16 & 27:3 \cdot 5 \end{array}$$

710. 145- бетда берилган мулоҳазалардан фойдаланиб, қолдиқли бўлишни бажар:

$$29:7 \quad 45:6 \quad 59:7 \quad 50:8 \quad 66:9 \quad 71:8$$

711. Қолдиқли бўлишга доир иккита мисол туз ва уларни еч.

712. 1 та күйлакка 3 м чит кетади, 15 м читдан нечта шундай күйлак тикиш мүмкін? 16 м (18 м, 20 м) читдан-чи?
713. Ишчилар кунига 8 м дан йўлга асфальт ётқизиши. Улар 72 м лик йўлга неча кунда асфальт ётқизиб бўлишади? 48 м лик йўлга-чи? 70 м лик йўлга-чи?



714. Дафтар 2 тийин туради. Агар ўқувчида 10 тийин бўлса, у нечта дафтар олиши мүмкін? 14 тийин бўлса-чи? 15 тийин бўлса-чи? 17 тийин бўлса-чи?
715. Қизча битта қора қалам учун 2 тийин, 6 та бўёқ қалам учун 24 тийин тўлади. Битта бўёқ қалам битта қора қаламдан неча тийин қиммат туради?
716. 1) Қайси бири катта ва қанча катта:
 $45:9$ ми ёки $42:6$ ми? $8 \cdot 8$ ми ёки $9 \cdot 7$ ми?
 2) Қайси бири катта ва неча марта катта:
 $18:2$ ми ёки $27:9$ ми? $56:7$ ми ёки $24:6$ ми?

717. $81 : \square = 9$ $\square : 7 = 8$ $\square \cdot 2 = 0$
 $6 \cdot \square = 54$ $15 - \square = 4$ $\square : 5 = 0$

718. $7 \cdot 9 - 8 \cdot 4$ $88 : 44 + 66 : 2$ $22 : 11 \cdot 49$
● $5 \cdot 8 - 2 \cdot 7$ $94 : 2 - 46 : 23$ $74 : 37 \cdot 18$
 $54 : 6 + 7 \cdot 7$ $96 : 24 + 95 : 19$ $96 : 16 \cdot 14$

719. $38 : 9$ $75 : 8$ $32 : 5$ $14 : 3$
 $59 : 6$ $44 : 7$ $57 : 8$ $25 : 4$

720. Ўқувчи 19 ни 2 га бундай бўлди:
 $19 : 2 = 8$ (3 қолдик)

Ўқувчи қилган хатони тушунтириш ва мисолни тўғри ёч.

721. Вали бир бўлак симни шундай буқладики, унда ҳар бир томони 9 см ли учбурчак шаклида рамка ҳосил бўлди. Шу бўлак симдан томони 7 см га teng бўлган квадрат рамка ясаш мумкинми?
722. Бир аёл донаси 5 тийинлик карамли сомсадан бир нечта ва донаси 10 тийинлик гўштли сомсадан ҳам шунча олди. Карамли сомсалар учун у 30 тийин тўлади. Гўштли сомсаларга қанча тўланган?

723. $78 + 22 - 64$ $35 \cdot 2 - 38 : 2$ $6 \cdot 8 : 4$
 $57 + 34 - 82$ $22 \cdot 4 + 64 : 16$ $6 \cdot 9 : 2$
 $43 + 24 + 25$ $16 : 6 - 45 : 15$ $64 : 8 \cdot 3$
● $69 + 31 - 78$ $17 \cdot 3 + 72 : 9$ $49 : 7 \cdot 8$

Мустаҳкамлаш үчүн машқлар.

1. $(32+8):4$ $(30+6):3$ $(60+12):2$
 $(18+27):9$ $(17+13):3$ $(12+18):5$

2. 24, 36, 48 сонларининг ҳар бирини ҳар бири 2 га (3 га, 4 га) бўлинадиган иккита қўшилувчининг йиғиндиси кўринишида ёз.

3. $28:2$ $64:2$ $63:3$ $36:3$ $84:2$
 $46:2$ $48:4$ $88:8$ $55:5$ $96:3$

4. $32:2$ $51:3$ $78:6$ $84:6$ $76:4$
 $42:3$ $84:7$ $57:3$ $98:7$ $72:6$

5. $40:20$ $90:30$ $60:20$ $80:40$ $100:50$
 $60:30$ $80:20$ $70:10$ $30:10$ $100:20$

6.

a	36		72
b	2	3	
$a:b$		18	6

c	15		7
d	3	4	
$c \cdot d$		60	84

7. $45:15$ $69:23$ $78:39$ $75:25$ $60:12$
 $38:19$ $81:27$ $54:18$ $56:28$ $72:24$

8. $18 \cdot 5$ $48:3$ $42:3$ $38 \cdot 2$ $66:3$
 $4 \cdot 25$ $76:2$ $15 \cdot 6$ $54:3$ $5 \cdot 17$

9. $4 \cdot 6:8$ $35:5 \cdot 9$ $42 - (51 - 9):6$ $0:7$
 $2 \cdot 9:6$ $81:9 \cdot 8$ $(70 - 14):8 + 28$ $3 \cdot 0$

10. $56:8 \cdot 7$ $54:9 \cdot 2$ $72 - (20 - 6) + 39$
 $72:9 \cdot 8$ $63:7:3$ $47 + 26 - (24 + 21)$

11. $39 \cdot 2 - 16 \cdot 4$ $96 - 16 \cdot (30 - 25)$ $58 + 0 \cdot 24$
 $15 \cdot 4 + 12 \cdot 4$ $(70 - 52) \cdot 3 - 26$ $0 : 35 + 18$

12. Қолдиқли бўлишни бажар:

$14 : 4$	$23 : 7$	$30 : 4$	$56 : 9$	$80 : 9$
$15 : 6$	$28 : 5$	$38 : 5$	$83 : 9$	$60 : 8$

13. Мисолларни текшириш билан еч:


$58 + 34$ $83 - 67$ $28 \cdot 3$ $96 : 4$

14.  $36 \cdot 2 * 39 \cdot 2$ $90 : 5 * 90 : 6$
 $56 : 2 * 58 : 2$ $29 \cdot 2 * 29 \cdot 3$

15. Стол лампаси 6 сўм туради, люстра ундан 24 сўм қиммат. Люстра стол лампасидан неча марта қиммат туради?



«Ким тез» ўйини.



16. 1 сўмга 4 та бир хил ўрам ип сотиб олиш мумкин. 75 тийинга шундай иплардан неча та сотиб олиш мумкин?

17. Масалаларни жадвалга ёз ва уларни еч:
- 1) Бир аёл килограмми 10 тийиндан 30 тийинлик помидор ва килограмми 18 тийинлик карамдан ҳам шунча килограмм олди. У карам учун қанча пул тўлаган?
 - 2) Маҳмудда бир нечта 10 тийинлик, Каримда эса шунча 15 тийинлик танга бор эди. Агар Маҳмудда 60 тийин бўлса, Каримда неча пул бўлган?
18. Бир группа экскурсантлар 2 катерга 16 кишидан ва 2 қайиқка 4 кишидан ўтиришди. Группада неча киши бўлган?
19. Ифодага қараб масала туз:
$$15 \cdot 3 + 8 \cdot 3.$$
20. Ошхонанинг биринчи залида 11 та стол, иккинчи залида 13 та стол бор эди. Ҳар бир стол атрофида 4 киши овқатланади. Бу залларда ҳаммаси бўлиб қанча одам овқатланади?
21. Синф кутубхонасидан болалар 28 та китоб олишди, кутубхонада олинганидан 2 марта кўп китоб қолди. Синф кутубхонасида нечта китоб бор эди?
22. Ўқувчилар боғда ишлашди: пионерларнинг ҳар бир отряди 14 туп олма дараҳтининг, октябрятларнинг ҳар бир отряди эса 12 туп олма дараҳтининг тагини чопди.

Ҳаммаси бўлиб пионерлар отрядлари 56 туп олма дарахтининг, октябрятлар отрядлари эса 60 туп олма дарахтининг тагини чопди. Боғда ҳаммаси бўлиб нечта отряд ишлаган?

23. Томонлари узунликларининг йиғиндиси 12 см бўлган учбурчакнинг бир томони 5 см, иккинчи томони 3 см. Унинг учинчи томони узунлигини топинг.
24. 11 см узунликда кесма чиз. Бу кесмада 4 см дан неча марта бор? Кесманинг қолган қисми узунлигини бил.
25. 58 та китоб ҳар бир пачкага 8 та китобдан қилиб жойлаштирилиши керак. Бундай пачкалар нечта бўлади?
26. Аёл 10 л сут соғиб олди ва уни ҳар бирига 3 литрдан кетадиган банкаларга қўйди. Ҳамма сутни қўйиш учун нечта банка керак бўлади?
27. Картошкани қайта ишлашда ҳар 20 кг картошкадан 3 кг крахмал чиқади. 100 кг картошкадан қанча крахмал чиқади?
28. Агар лавлагидан 5 марта кам шакар олинса, 100 кг лавлагидан қанча шакар чиқади?

- 29.** 5 кг пахтадан 40 м газлама чиқади. Агар битта кўйлакка 2 м газлама кетса, 40 та кўйлак тикиш учун неча килограмм пахта териш керак?
- 30.** Агар мева қуритилганда унинг массаси 4 марта камайса, 20 кг мевадан қанча қуритилган мева чиқади?
- 31.** Ишчи бир кунда қайчи билан 25 та қўй жунини, машинка билан 75 та қўй жунини қирқади. Масалага савол қўй ва уни еч.
- 32. Кизиқарли масалалар:**
- 1) Икки ўқувчи 40 минут шахмат ўйнади. Ҳар бири неча минут шахмат ўйнаган?
 - 2) Аёлнинг икки ўғли бор, уларнинг ҳар бирининг синглиси бор. Аёлнинг нечта боласи бор?
 - 3) Юнус ва Салимнинг баравардан значоги бор. Кейин Юнус Салимга 2 та значогини берди. Салимнинг значоклари Юнуснидан қанча ортиқ бўлди?
 - 4) Нима енгил: 2 кг темирми ёки ҳар бири 1 кг дан 2 та пар ёстиқми?
- 33. Ажойиб квадратлар катакларини тўлдир:**

		15
13	5	
11		

		16
	14	6
		20

13		
13		
	15	

Улұшлар.

Улұшлар ҳосил қилиш ва үларни белгилаш


724. Ҳар бир олма нечта тенг бўлакка бўлинган? Ҳар бир тенг бўлак нима деб аталади? Бутун олмада нечта яримта, нечта тўртдан бир бўлак бор?



725. Пирог тўртта тенг улушларга бўлинди ва битта шундай улуш олинди.
Тўртдан бир улуш $\frac{1}{4}$ каби, иккidan бир улуш $\frac{1}{2}$ каби ёзилади.



726. Ҳар бир доира нечта тенг бўлакка бўлинганини қараб чиқ. Ҳар бир расм тагидаги ёзувни ўки ва тушунтири.



727.



- 1) Тўғри тўртбурчакнинг бўялмаган ҳар бир қисмининг номини айт.
- 2) Улушларни белгила. Чизиқнинг устига ва чизиқнинг остига ёзилган сонлар нимани англатади?

728. Метри 12 сўмдан 4 м жун газлама олинди, яна метри 8 сўмлик шойидан олиниб, унга ҳам жун газламага тўланганча пул тўланди. Неча метр шойи олинган?

729. $12 \cdot 3 + 28, \quad 28 \cdot 3 + 12$

ифодалар бўйича масалалар туз, бунда 12 сўм — 1 м крепдешиннинг нархи, 28 сўм — 1 м жун газламанинг нархи.

730. $(28+19) \cdot 2 \quad (36-24):4 \cdot 3 \quad 100-16:4$
 $(17+14) \cdot 3 \quad (75-50):5 \cdot 5 \quad 90-14:2$


Улушларни таққослаш.

731. Қоғоз полоска қийиб ол ва уни шундай буклагинки: у teng 4 бўлакка бўлинсин. Бутун полоскада нечта тўртдан бир улуш бор? Ярим полоскада нечта тўртдан бир улуш бор?

$\frac{1}{2}$ билан $\frac{1}{4}$ ни таққосла. Мана бундай

ёз: $\frac{1}{2} > \frac{1}{4}; \quad \frac{1}{4} < \frac{1}{2}.$

732.



Расмларни қараб чиқ ва таққосла.

$$\frac{1}{2} \text{ ва } \frac{1}{3}$$

$$\frac{1}{3} \text{ ва } \frac{1}{4}$$

$$\frac{1}{4} \text{ ва } \frac{1}{8}$$

733. Жадваллар түғри түлдирилганми, текшириб күр:

a	54	72	84	100
b	3	12	30	25
$a - b$	51	60	81	85

c	26	20	37	18
d	8	20	13	12
$c + d$	34	10	49	6

734. Комсомоллар ҳар бирига 16 кг дан кетадиган катта саватларга, пионерлар эса ҳар бирига 10 кг дан кетадиган кичик саватларга олма теришди. Комсомоллар неча сават олма терган бўлишса, пионерлар ҳам шунча сават олма теришди. Агар комсомоллар 80 кг олма теришган бўлса, пионерлар неча килограмм олма теришган? Агар комсомоллар 96 кг олма теришган бўлса-чи?

735. $(36 + 48):12$ $13 \cdot 4 + 11 \cdot 3$ $(37 + 19):8$

$$(44 + 33):7$$

$$3 \cdot 21 - 96:32$$

$$(25 + 15):5$$

$$(58 + 22):20$$

$$42 \cdot 2 - 25 \cdot 3$$

$$(72 - 32):4$$



$$(80 - 62):18$$



$$15 \cdot 5 + 50:2$$

$$(90 - 27):9$$

Соннинг улушини топиш.

- 736.** Узунлиги 12 см бўлган қофоз полоскани тенг 4 бўлакка (буклаб) бўл. Полосканинг $\frac{1}{4}$ бўлагини бўя. Полосканинг $\frac{1}{4}$ бўлаги узунлигини ҳисобла. Ўлчаш билан текшир.
- 737.** 1 м нинг $\frac{1}{2}$ бўлагини, 1 м нинг $\frac{1}{4}$ бўлагини, 1 м нинг $\frac{1}{10}$ бўлагини, 1 дм нинг $\frac{1}{2}$ бўлагини, 1 дм нинг $\frac{1}{5}$ бўлагини, 1 дм нинг $\frac{1}{10}$ бўлагини топ.
- 738.** Синфда 35 ўқувчи бор. Ўқувчиларнинг $\frac{1}{5}$ қисми тўгаракка қатнашади. Тўгаракка қанча ўқувчи қатнашади?
- 739.** Китоб 60 бетли. Ўқувчи китобнинг $\frac{1}{3}$ қисмини ўқиди. У неча бет ўқиган?
- 740.** 155- бетдаги улушларга доир расмга қара ва таққосла:
- $$\frac{1}{2} \text{ ва } \frac{1}{4}; \quad \frac{1}{4} \text{ ва } \frac{1}{6}; \quad \frac{1}{6} \text{ ва } \frac{1}{8};$$
- $$\frac{1}{8} \text{ ва } \frac{1}{2}; \quad \frac{1}{8} \text{ ва } \frac{1}{4}.$$
- 741.** $\square - 8 = 9$ $15 - \square = 7$ $\square \cdot 7 = 56$ $\square : 9 = 6$
 $\square - 7 = 6$ $16 - \square = 8$ $9 \cdot \square = 36$ $\square : 6 = 7$
- 742.** $(71 - 23) : 12$ $72 : 12 \cdot 9 : 27$ $51 : 3 + 48$
 $(58 + 23) : 27$ $91 : 13 \cdot 8 : 14$ $72 : 4 + 68$
 $(91 - 19) : 24$ $80 : 16 \cdot 9 : 15$ $84 : 6 + 36$

743. 3 тийин



Тушиб қолған сонни топ ва масалани еч:
Вали ҳар бири 3 тийиндан 2 та қалам ва
ҳар бири \square тийиндан 7 та дафтар сотиб
олди. Харид қанча туради?

Сонни ўзининг улушкига кўра топиш.

744. Полосканинг $\frac{1}{2}$ бўлаги узунлиги 4 см. Бутун полосканинг узунлиги қанча?



745. Кесманинг $\frac{1}{4}$ бўлаги узунлиги 2 см лигини билган ҳолда, бутун кесмани чиз.

746. 1) 18, 17, 19, 24 сонларини 4 марта орттири.
2) 28, 44, 60, 92 сонларини 4 марта камайтири.
3) 29, 36, 48 сонларини 4 та орттири.

747. Тўгарак машғулотларида болалар 16 та сурат олишди. Бунга фотоаппаратга қўйил-



ган плёнканинг $\frac{1}{2}$ бўлаги кетди. Шу плёнкада нечта сурат олиш мумкин?

748. 1) Лентанинг $\frac{1}{3}$ бўлаги узунлиги 3 дм.

Шу лентанинг узунлигини топ.

2) Лентанинг узунлиги 9 дм. Шу лентанинг $\frac{1}{3}$ бўлаги қирқиб олинди. Неча дециметр лента қирқиб олинди?

749. Қишки Олимпиадада бир команда 13 та олтин ва 11 та кумуш медаль, иккинчи команда 12 та олтин ва 9 та кумуш медаль олди. Шу шарт бўйича турли ифодалар туз ва улар нимани англатишини тушунтири.

750.  $(12+4)\cdot 6 \ast 12\cdot 6 + 4\cdot 5$
 $9\cdot(3+4) \ast 9\cdot 3 + 9\cdot 4$

751. $(81 - 29):13$ $(64 - 16):2$ $75 - 50:25 \cdot 2$

$(46 + 14):5$ $(39 + 39):3$ $81 - 54:9 \cdot 3$

● $(98 - 28):14$ $(83 - 26):3$ $32 + 48:8 \cdot 3$

752. 1) Бутун полосканинг $\frac{1}{2}$ бўлагининг узунлиги 6 см га teng. Шу полоскани чиз.
2) Узунлиги 6 см бўлган полоска чиз. Шу полосканинг $\frac{1}{2}$ бўлагини бўя. Қандай узунликдаги полоска бўялган?

753. Масалаларга доир расмлар ишла:

1) Сирожнинг 15 та маркаси бор эди. У маркаларининг $\frac{1}{5}$ қисмини фестиваль меҳмонларига совға қилди. Сирож нечта маркани фестиваль меҳмонларига совға қилган?

2) Сирожнинг ёзувчилар портретлари чизилган 3 та маркаси бор эди. Бу маркалар унинг ҳамма маркаларининг $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил қиласи. Сирожнинг ҳаммаси бўлиб нечта маркаси бор?

754. 32 пионер ва 4 комсомол туристик саёҳатга жўнашди. Агар битта палаткага 4 киши сифса, уларга нечта палатка керак бўлади? Тўрт ўринли палаткаларни олти ўринли (икки ўринли) палаткалар билан алмаштириб, масалани еч.

755. Ҳамма бир хонали жуфт сонларнинг $\frac{1}{2}$ қисмини топ.

10, 25, 45, 5 сонларининг $\frac{1}{5}$ қисми топ. Агар соннинг $\frac{1}{4}$ қисми 2 га, 8 га, 18 га тенг бўлса, шу сонни топ.

756. Қисқа ёзувларга кўра масалалар туз ва уларни еч:

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
3 сўм ?	Бир хил	36 сўм 60 сўм
Бир хил	5 кг 3 кг	1 сўм ?

757. $73:8 \quad 65:9 \quad 50:7 \quad 46:5 \quad 58:6$
 $75:8 \quad 70:9 \quad 54:7 \quad 49:5 \quad 59:6$

758.

Бўлинувчи	64		72			48	54	
Бўлувчи	8	9	12	7	9			7
Бўлинма		7		6	5	8	6	4

Вақт ва унинг ўлчовлари.

Йил, ой, ҳафта.

759. Календарни қараб чиқ ва айт:

- 1) Бир йил неча ой бўлади? Йил қайси ойдан бошланади? Ойларнинг номини тартиб билан айт.
- 2) Ҳозир қайси ой? Бу йилнинг қайси ойлари ўтиб кетди? Бу йил яна қайси ойлар келади?
- 3) Январь неча кунли бўлса, шунча кунли ойларни топ. Апрель неча кунли бўлса, шунча кунли ойларни топ.

Февралда 28 ёки 29 кун бўлади.


Апрель, июнь, сентябрь ва ноябрда 30 кундан бўлади. Қолган ойларнинг ҳар бирида 31 кундан бўлади. Санани ёзишда ойлар, одатда, январдан бошлаб тартиб билан рим рақамлари орқали белгиланади. Масалан, март — ҳисоб бўйича йилнинг учинчи ойи, шунинг учун 8 март қўйидагича белгиланади: 8. III.

- 760.** Рим рақамларидан фойдаланиб (239- бетдаги иловага қ.), 23 феврални, 22 апрелни, 9 майни, 1 сентябрни, 7 октябрни, 7 ноябрни белгила.
- 761.** Сен ҳафтанинг қайси кунларини биласан? Уларни тартиб билан айтиб бер. Бир ҳафта неча кун бўлади?
- 762.** Кузатиш кундалигида мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрам саналарини қизил қалам билан белгила. Бу кунларда қандай байрамлар нишонланади?
- 763.** Календардан билиб ол:
- 1) Бу йил 1 Январь, 1 Май, 7 Ноябрь кунлари ҳафтанинг қайси кунлари бўлади? (Бу кунлар қандай байрамлар?)
 - 2) Ойлар тартибида январь йилнинг нечанчи ойи? Май-чи? Декабрь-чи?
 - 3) Ойлар тартибида йилнинг тўққизинчи ойи нима деб аталади? Ўн биринчи ойи-чи?
 - 4) Агар йил бошидан тўла 7 ой ўтган бўлса, қайси ой келган бўлади? 9 ой ўтган бўлса-чи? 1 ой (11 ой) ўтган бўлса-чи?
 - 5) Агар май ойи келган бўлса, йил бошидан тўла неча ой ўтган бўлади? Сентябрь келган бўлса-чи? Март келган бўлса-чи? Август келган бўлса-чи? Декабрь келган бўлса-чи?
- 764.** Сен неча ёшга кирдинг? Ёшинг нечага тўлиб, нечага кетяпти?

765. Йилнинг $\frac{1}{2}$ қисми неча ойни ташкил қиласи? $\frac{1}{4}$ қисми-чи? $\frac{1}{12}$ қисми-чи?
766. Агар квадратнинг ҳамма томонлари узунликларининг йиғиндиси 40 см (84 см, 96 см) бўлса, унинг ҳар бир томонининг узунлигини топ.
767. $\square + 6 = 15$ $8 \cdot \square = 72$ $63 : \square = 9$ $\square : 9 = 4$
768. Агар $a = 7$, $a = 8$, $a = 9$ бўлса, $a \cdot 6$ кўпайтманинг қийматини топ.
769. $100 - (26 + 74)$ $76 - 24 \cdot 3 \cdot 0$ $(51 + 9) : 5$
 $3 \cdot 17 + 4 \cdot 12$ $48 \cdot 1 - 48 : 48$ $(73 - 45) : 7$
● $28 : 1 - 42 : 42$ $80 : 20 + 19 \cdot 4$ $(32 + 16) : 4$

Сутка.

770. Кеча мактаб машғулотлари бошланганидан бугун мактаб машғулотлари бошлангунча бир сутка ўтди. Бугун машғулотлар бошланганидан индинги машғулотлар бошлангунича неча сутка ўтади?
771. Тартиб билан жойла: 1) кечқурун, кундуз, эрталаб, кечаси; 2) кеча, ўтган кун, эрта, индин, бугун.



- 772.** 1 ҳафта неча сутка? 2 ҳафта-чи?
- 773.** Агар март ойида 16 кун ҳаво очиқ бўлган бўлса, неча кун ҳаво булатли бўлган?
- 774.** Магазинда душанба куни 24 та телевизор, сешанба куни ундан 6 та ортиқ, чоршанба куни эса сешанба кундагидан 2 марта кам телевизор сотилди. Чоршанба куни нечта телевизор сотилган?
- 775.** 48 сони 12 дан неча марта катта эканлигини билишга доир масала туз ва уни еч.
- 776.**
- | | | |
|----------|---------------------|---------------|
| 92:23·17 | $(54 + 46):50$ | $(32 + 25):3$ |
| 72:24·16 | $(79 - 68) \cdot 9$ | $(82 - 54):2$ |
| 96:32·27 | $(52 - 47) \cdot 6$ | $(72 - 18):9$ |
- 777.** 12 см үзунликда битта кесма, ундан 4 марта қисқа бўлган иккинчи бир кесма чиз.

Соат. Минут.



1 сутка 24 соат бўлади.

1 соат 60 минут бўлади.

Расмдаги соатни қараб чиқ. Ҳамма соатлар шундай ясалганки, унинг катта стрелкаси бир кичик чизиқдан иккинчи кичик чизиқ-қача 1 минутда ўтади, кичик стрелкаси эса бир катта чизиқдан иккинчи катта чизиқ-қача 1 соатда ўтади.

Соатнинг катта стрелкаси минут стрелкаси дейилади. Кичиги эса соат стрелкаси дейилади. Вақт ҳисоби ярим кечака (кечаси соат 12) дан ёки туш (кундузи соат 12) дан бошлаб олиб борилади. Шу вақтда иккала стрелка ҳам 12 устида бўлади. Бир соатдан кейин катта стрелка бутун доирани айланиб чиқиб, яна 12 ни кўрсатади, кичик стрелка эса 12 дан ўтиб, 1 рақами ёзилган чизиқقا келади. Бунда соат (кечаси ёки кундузи) 1 бўлади.

- 778.** Бир минутда нечагача санаш мумкин? (Соатга қараб текшириб кўр).
- 779.** 1) Расмлардаги ҳар қайси соат вақт қанча бўлганлигини кўрсатяпти?



- 2) Соатнинг катта стрелкаси ярим доирани неча минутда ўтади? Чорак доирани-чи? У бир катта чизиқдан иккинчи катта чизиқчача бўлган масофани неча минутда ўтади?

780. $\frac{1}{2}$ сутка неча соат бўлади? $\frac{1}{4}$ сутка-чи?

781. Агар ҳар бир сўзга 5 тийин ва телеграммани жўнатишга 10 тийин тўланса, 15 та сўздан иборат телеграмма учун қанча тўланади?

782. 54—28 96:8:4·3 36:9·18 30:4
● 54—47 96:8:(4·3) 42:6·12 59:7

783. Соат моделида соат 6 ни, соат 9 ни кўрсат. Яна 10 минут ўтганлигини кўрсат.

784. Соат чорак кам тўққиз бўлганини бошқача қандай айтиш мумкин? Тўртдан чорак соат ўтганини-чи? Бир яримни-чи?

785. Шу бетдаги расмларга қараб, ҳар қайси соат вақт неча бўлганини кўрсатаётганини айт. Турлича айт.

1) Соат 7-ю 45 минут ёки чорак кам саккиз.

2) Соат 9-у 15 минут ёки 9 дан 15 минут (чорак соат) ўтган.



Расмга қара.

Сен расмда Кремль соатларини күриб турибсан.
Бу соатлар садоси остида
пойтахтимиз Москвадаги
Қизил майдонда парад ва
намойишлар бошланади.

31 декабрь кечаси соат 12 да Кремль соатларининг садоси радио ва телевидение орқали янграб, янги йилнинг биринчи куни бошланганидан хабар беради.



- 786.** Ўқув йили 1 сентябрдан бошланади ва 31 майда тугалланади. Календарга қараб ўқув йили неча ой давом этишини бил.
- 787.** Завод йиллик планни 7 ноябрга бажарди. Календарга қараб завод йиллик планни неча кун олдин бажарганини бил.
- 788.** 1) 35, 49, 63 сонларини 7 марта камайтири, 7 та камайтири.
2) 8, 6, 4 сонларини 7 марта орттири, 7 та орттири.

789.



Метро вагонидан 6 та йўловчи тушди ва вагонда тушганига қараганда 9 марта ортиқ йўловчи қолди. Вагонда ҳаммаси бўлиб нечта йўловчи бўлган?

790. Метронинг бир линиясида 19 та станция, иккинчи линиясида биринчига қараганда 10 та станция кам, учинчи линияда иккинчига қараганда 7 та станция ортиқ. Масалага савол қўй ва уни еч.

791. $\square + 2 = 10$ | $\square - 2 = 10$ | $\square \cdot 2 = 10$ | $\square : 2 = 10$

792. $75:7$ $46:8$ $44:9$ $71:8$ $27:4$
 $85:8$ $51:7$ $17:3$ $36:5$ $28:8$
● $64:7$ $39:6$ $23:9$ $83:9$ $19:2$

793. Соат моделидан фойдаланиб, масалаларни еч:

- 1) Дарс соат 11 да бошланди ва 45 минут давом этди. Дарс қачон тугаган?
- 2) Ўқувчи уйидан соат 8-у 30 минутда чиқди ва мактабга соат 8-у 45 минутда етиб келди. Ўқувчи йўлга неча минут сарфлаган?

794. Ёш футболчиларнинг машғулоти 40 минут давом этди ва соат 2-ю 45 минутда тугади. Машғулот қачон бошланган?

795. Жадвалларни түлдир:

c	17	8	3	11
d	4	12	32	9
$c \cdot d$				

a	85	78	90	96
b	5	26	2	24
$a:b$				

796. $24, 36, 48, 60, 72$ сонларининг $\frac{1}{3}$ қисмини топ; шу сонларнинг $\frac{1}{4}$ қисмини топ.


797. 1) Бичувчи 8 та кўйлак бичди. Тикувчи бу кўйлакларнинг ярмини тикди. Тикувчи нечта кўйлак тиккан?

2) Тикувчи 8 та кўйлак тикди, булар бичувчи бичган кўйлакларнинг ярмига teng. Нечта кўйлак бичилган эди?

798. 1) Машиначи 3 та кўйлакка 12 м газлама кетказди. Шундай кўйлакдан 2 тасига неча метр газлама кетади?

2) Шу масалага тескари масалалар туз ва уларни еч.


799. Бир томонининг узунлиги 15 дм бўлган квадрат формадаги қумдон ясаш учун ҳар бирининг узунлиги 3 м ли тахталардан нечта керак бўлади?



МИНГ.

1 дан 1000 гача бўлган сонлар.

800. Ўнликда нечта бир бор? Юзликда нечта ўнлик бор?



1 та юзталик — юз

2 та юзталик — икки юз

3 та юзталик — уч юз

4 та юзталик — тўрт юз

5 та юзталик — беш юз


6 та юзталик — олти юз

7 та юзталик — етти юз

8 та юзталик — саккиз юз

9 та юзталик — тўққиз юз

10 та юзталик — минг



801. Икки юздан минггача 100 тадан қўшиб сана.

- 802.** (Оғзаки.) 1 сүм неча тийин? 5 сүм-чи? 1 м неча сантиметр? 3 метр-чи? 6 метр-чи?
- 803.** Заводда кечки смена кечаси соат 11 да бошланади ва 8 соат давом этади. Кечки смена қачон тугайди?
- 804.** Йиғув цехида кечки сменада 27 ишчи ишлади, бу шу цехда ишлайдиганларнинг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этади. Йиғув цехида ҳаммаси бўлиб қанча ишчи ишлайди.
- 805.** Узунлиги 15 сантиметрнинг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этувчи кесма чиз.
- 806.** Меҳнат дарси учун ҳар бири 2 тийиндан 26 тахта яшил қофоз ва бир қути пластилин олинди. Олинган ҳамма нарса учун 1 сүм тўланди. Бир қути пластилини неча тийин туради?
- 807.**
- | | | | |
|--------|-------|-----------|-----------|
| 72:24 | 51:17 | 27·3—39 | 80:5 + 28 |
| 91:13 | 80:16 | 416—58 | 32:2 + 16 |
| 78:6 | 54:9 | 32:2 + 39 | 60:3 + 80 |
| ● 42:3 | 68:4 | 18·4 + 18 | 75:5 + 18 |
- 808.** 100 та чўпдан иборат 2 боғлам нечта чўпни ташкил этади? 10 та чўпдан иборат 4 боғлам ва 5 та чўп нечта чўпни ташкил этади?

- 809.** 2 м неча сантиметр? 2 м 30 см-чи? 2 м 35 см-чи? 2 м 05 см-чи?
- 810.** 1) Саноқда бир юз түкson түккіз сонидан кейин қайси сон келади?
 2) Саноқда уч юз сонидан олдин қайси сон келади? Бу сонда нечта юзлик, үнлик ва бирлик бор?
- 811.** Бу танга-чақалар билан неча тийин түпленганды?



- 812.** 18, 24, 36 сонларини 2 марта орттири. Берилған сонларни 2 марта камайтири. Берилған бу сонларнинг ҳар бирининг $\frac{1}{3}$ қисмини топ.
- 813.** Соатлар моделидан фойдаланиб, масалалар түз ва ularни еч.

Автобуснинг жўнаш вақти	Йўлдаги вақти	Автобуснинг келиш вақти
Соат 6-ю 30 мин	2 соат	?
Соат 7 ?	?	соат 8-у 20 мин
	3 соат	соат 10-у 40 мин

814. $33:11$	$42:3$	$19:4$	$3 \cdot 20 - 11 \cdot 2$
$48:24$	$91:7$	$34:5$	$3 \cdot (20 - 11) \cdot 2$
● $36:12$	$72:4$	$29:3$	$72:4 + 32:2$

815.

Юзлар	Үнлар	Бирлар
1	3	4

1 та юз 3 та үн 4 та бир — бир юз ўттиз түрт.

4 та юз 2 та үн 1 та бир, 4 та юз 2 та үн, 4 та юз 1 та бирдан тузилган сонларни ўқи ва жадвалда күрсат.

816. Бизнинг қаватда 127, 128, 129, 130-номерли уйлар бор. Кейинги қаватдаги түртта уйнинг номерини айт.

817. Трактор 2 соат ишлаб, 30 л ёнилғи сарфлади. 90 л ёнилғи неча соатга етади?

818. Қишда иккита отга бир кунда 6 кг сули берилади. 18 та отга ўша нормада бир кунда неча килограмм сули берилади?

819.  $1 \text{ м} * 1 \text{ дм}$ $5 \text{ м } 6 \text{ дм } * 6 \text{ м}$
 $1 \text{ м} * 100 \text{ см}$ $4 \text{ м } * 3 \text{ м } 8 \text{ дм}$

820. $96:16$ $92:4$ $65:7$ $100 - 28 \cdot 2 - 40$
 $77:11$ $81:3$ $65:8$ $95 - 45:5 \cdot 3$

821.

Юзлар	Үнлар	Бирлар
4	3	2
2	0	3
5	4	0
6	0	0

- 1) Жадвалда ёзилган сонларни ўқи.
- 2) 3 та юз 2 та үн, 9 та бир; 9 та юз 5 та бир; 2 та юз 5 та бирдан тузилган сонни жадвалга ёз.

Бирлар үнгдан чапга ҳисоблаганда биринчи ўринга ёзилади (улар **биринчи хона бирликлари** дейилади).

үнлар — иккинчи ўринга ёзилади (**иккинчи хона бирликлари**).

юзлар — учинчи ўринга ёзилади (**учинчи хона бирликлари**).

Бирор хона бирлигининг йўқлиги (бўлмаслиги) **0 рақами** билан белгиланади.

Минг сони бундай ёзилади: 1 000.

822.



Үтган йили ўқувчилар колхоз фермаси учун 14 ғарам пичан тайёрлаган эдилар. Бу йил эса 3 марта кўп тайёрладилар. Бу йил ўтган йилга қараганда неча ғарам ортиқ пичан тайёрладилар?

823. Отаси 30 ёшда бўлганда ўғли 6 ёшда эди. Ҳозир ўғли 11 ёшда. Отаси ҳозир неча ёшда?
- 824.
- | | | |
|----------|---------|---------------|
| 8·8:32 | 96:2:12 | $(33 + 54):3$ |
| 15·6:18 | 96:3:16 | $33 + 54:3$ |
| ● 9·9:27 | 96:4:24 | $(84 - 24):6$ |

825. 1) Энг катта бир хонали сонни, энг катта икки хонали сонни айт.
2) Сонларни ёз: 100, 490, 807, 999.
3) Бу сонларнинг ҳар бирини ёзишда ҳаммаси бўлиб нечта рақам (белги) ишлатилиди? Булар — уч хонали сонлар.
826. Текстни ўқи ва сонларни ёз:
Мактабда беш юз саксон олтита ўқувчи бор. Уларнинг олтмиш бештаси комсо-

мол, уч юз түқсон учтаси пионер ва бир юз йигирма саккизтаси октябрят.

827. Ҳисобда 239 сонидан кейин, 299 сонидан кейин келадиган сонни ёз; ҳисобда 140 сонидан олдин, 200 сонидан олдин келадиган сонни ёз.
- 828.) $349 + 1$ $520 - 1$ $499 + 1$ $800 - 1$
 $350 - 1$ $609 + 1$ $700 - 1$ $899 + 1$
829. Дафтарга томонлари 9 см ва 6 см бўлган тўғри тўртбурчак чиз ва унинг томонлари узунликлари йиғиндисини топ.
830. Бир аёл рўзғорга бир ҳафта (7 кун) да 14 кг картошка ишлатди. Кунига шу хил нормада ишлатилганда, 4 кунга неча килограмм картошка керак бўлади?
831. 12 кг олчадан пиширилган мураббо 4 та бир хил банкага жойланди. Агар яна 18 кг олча қолган бўлса, шундай банкалардан нечта керак бўлади?
832. $(17 + 43):2$ $92:23$ $70:(7 + 7)$ $9 \cdot 8:4$
 $(60 + 30):5$ $87:29$ $80:(8 + 8)$ $7 \cdot 6:3$
833. Агар $c = 3$, $c = 8$, $c = 12$ бўлса, $48:c$ бўлинманинг қийматини топ.
834. 1) Қуйидаги сонлар ёзилган карточкалар тайёрла:

1	2	3	4	5	6	7	8	9
10	20	30	40	50	60	70	80	90
100	200	300	400	500	600	700	800	900

2) Карточкалардан фойдаланиб, мисолларни еч:

$$400 + 60 + 7 \quad 700 + 40 + 5 \quad 800 + 5 \\ 800 + 30 + 2 \quad 200 + 90 + 6 \quad 600 + 30$$

3) 234, 120, 304 сонларини намунаға қараб хона құшилувчилари йиғиндисига алмаштири:

$$437 = 400 + 30 + 7 \quad 502 = 500 + 2 \\ 670 = 600 + 70$$

835. $100 + 80 \quad 200 + 30 \quad 400 + 70 - 1$
 $180 - 80 \quad 230 - 30 \quad 607 - 7 + 1$
 $180 - 100 \quad 230 - 200 \quad 740 - 40 + 1$

836.  $680 * 860 \quad 481 * 392 \quad 1000 * 100$
 $720 * 920 \quad 500 * 499 \quad 1000 * 999$

837. Бўлинма ва қолдик түғри топилганми:
 $79 : 9 = 8$ (8 қолдик), $57 : 7 = 7$ (8 қолдик).

838. Болалар мактаб кутубхонасидаги китоблардан 95 тасини ремонт қилдилар. Уларнинг 22 таси математика китоблари, улардан 30 та ортиқ табиатшуносликка оид китоблар, қолганлари рус тили китоблари. Қуйидаги ифодалар нимани англатади:, $22 + 30$, $95 - 22$, $95 - (22 + 30)$?



Мактаб кутубхонасиға дүшанба куни 75 киши, сешанба куни ундан 25 та кам, чоршанба куни эса сешанбадагидан икки марта күп киши китоб ўқиш учун келди. Кутубхонага чоршанба куни неча киши келган?

840. $66:22$ $3 \cdot 18 - 64:4$ $96:4 + 3 \cdot 24$
 $72:18$ $4 \cdot 17 + 88:8$ $66:3 + 6 \cdot 12$
● $96:16$ $62:2 - 36:2$ $91:7 - 77:11$

841. 1 та юзда нечта ўн бор? 1 та юз 3 та ўнда ҳаммаси бўлиб нечта ўн бор? 1 та юзда нечта бир бор? 1 та юз ва 3 та ўнда ҳаммаси бўлиб нечта бир бор?



842. 1) Сонларни ўқи: 400, 546, 784, 680, 900.
 2) Бу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта бир бор? Нечта ўн бор? Нечта юз бор?

843. 1) 2 сүм 36 тийинни, 5 сүм 07 тийинни; 6 сүмни тийинлар билан ифодала.
 2) 3 м 43 см ни; 6 м 08 см ни; 4 м ни сантиметрлар билан ифодала.
 3) 800 см ни; 360 см ни; 252 см ни метрлар билан ифодала.
 4) 700 тийинни; 806 тийинни; 860 тийинни сүмлар билан ифодала.

844. 1) Сонларни ўқи: 135, 153, 315, 351, 513, 531. Бу сонлар нимаси билан ўхшаш ва нимаси билан фарқ қиласы?
 2) 582, 336, 400, 333 сонларнинг ҳар бирининг ёзувида нечта ҳар хил рақамлар ишлатилган?

845.  $600 + 40 * 400 + 60$ $700 - 1 * 699$
 $919 - 10 * 919 - 9$ $249 + 1 * 250$

846. Мәхнат дарси учун ҳар бири 2 тийиндан 30 та рангли қофоз ва 14 тийиндан 2 шиша елим сотиб олинди. Масалага савол қўй ва уни еч.
 847. Қуйидаги ифодаларга кўра ўқув қуроллари харид қилиш ҳақида масалалар туз ва уларни еч:

$12 + 3 \cdot 15$ $15 \cdot 2 + 3 \cdot 6$

848. $24 \cdot 3 - 56 + 28$ $2 \cdot 36 - 96 : 16$ $24 : 7$
 ● $75 : 25 + 13 \cdot 2$ $98 - 3 \cdot 18 + 21$ $36 : 8$

Километр.



Катта масофалар километрлар билан ўлчанади. 1 километр 1000 метрга тенг.

$$1 \text{ км} = 1000 \text{ м}$$

849. 100 м ни ўлчаш учун 10 м узунликдаги арқонни неча марта қўйиб чиқиш керак?
850. 1 км ҳосил қилиш учун 100 метрлаб неча марта ўлчаш керак?
851. Катта киши қадамининг узунлиги 1 м га яқин. Киши 1 км масофада тахминан неча қадам босади?
852.  $1 \text{ м} * 1 \text{ см}$ $2 \text{ м } 50 \text{ см} * 2 \text{ м } 05 \text{ см}$
 $1 \text{ дм} * 1 \text{ см}$ $3 \text{ м } 02 \text{ см} * 3 \text{ м } 2 \text{ дм}$

853. Ҳар бирига 6 кг дан қилиб яшикларга жойланган 90 кг помидор сотиш учун иккита дўконга келтирилди. Бир дўконга 10 яшик помидор берилди. Иккинчи дўконга неча яшик помидор берилган?
- 854.
- | | | |
|---------------------------------|----------------|---------------------------|
| $75 - 12 \cdot 5$ | $51 : 17 + 28$ | $15 : 15 + 75 : 5$ |
| $75 - 12 \cdot 4$ | $68 : 17 + 28$ | $15 \cdot 3 + 15 \cdot 3$ |
| $\bullet \quad 75 - 12 \cdot 3$ | $85 : 17 + 28$ | $3 \cdot 12 + 5 \cdot 12$ |

Тенгламалар.

$\square + 6 = 15$	0	5	9	10
--------------------	---	---	---	----

15 сонини ҳосил қилиш учун қайси сонга 6 ни қўшиш керак?

Номаълум сонни латин ҳарфи x (икс) билан белгилаймиз:

$x + 6 = 15$ — бу тенглама.

Тенгламани ечиш — номаълум сонни топиш демакдир.

Берилган тенгламада номаълум сон 9 га тенг, чунки $9 + 6 = 15$.

Нима учун 0, 5 ва 10 сонлари тўғри келмаслигини тушунтири.

855. Тенгламаларни ўқи ва үларни оғзаки еч:
- $$x + 5 = 9 \quad 12 - x = 7 \quad x - 3 = 6 \quad 7 + x = 13$$

856.  1 км * 1 м 4 сўм 20 тий.* 4 сўм 02 тий.
 1 км * 1 000 м 7 сўм * 6 сўм 99 тий.
857. (Оғзаки.) Ўқувчи чорак соатда 1 км йўл ўтди. У 1 соатда неча километр йўл ўтади?
858. Диванни қоплаш учун 5 м газлама, иккита креслони қоплаш учун 3 м газлама кетади. Агар газламанинг 1 метри 7 сўм турса, 1 та диван ва 2 та креслони қоплаш учун сотиб олинган газламага қанча пул тўлаш керак? 1 метри 10 сўм турса-чи?
859. Бир синф ўқувчилари 100 кг макулатура йиғмоқчи бўлдилар. Улар 30 кг макулатура келтирдилар. Қолган макулатурани юлдузчалар баравардан келтирдилар. 7 та юлдузчанинг ҳар бири яна неча килограммдан макулатура келтирган?
860. 80:16·13 99:11·9 72:12·16
 78:13·14 68:17·23 57:19·32
 60:12·11 56:14·19 92:23·24

861. Тенгламаларни топ ва уларни еч:

$$x - 8 = 9 \quad 5 + 7 = 12 \quad a + 17 \quad 8 + x = 14$$

862. Номаълум сон 8 га teng бўладиган тенгламани айт:

$$x \cdot 2 = 20 \quad 6 \cdot x = 48 \quad x:2 = 5 \quad 40:x = 5$$

863.  $899 + 1 * 901 - 1$ $367 - 60 * 367 - ?$
 $100 - 1 * 999$ $489 - 400 * 589 - 500$

864. 384 (908, 670) сонини хона қүшилувчилари йиғиндиси билан алмаштири.

865. Берилган сонлардан фойдаланиб, турли уч хонали сонлар туз ва ёз:

700

90

70

5

9

Намуна: 705, 779...

866. Бола фотоплёнка ва бир қути фотоқоғоз сотиб олди. У кассага 1 сүм түлади. Фотоқоғоз 40 тийин туради. Агар бола 11 тийин қайтим олган бўлса, фотоплёнка қанча туради?

Килограмм, грамм.

Буюмларни тарозида тортиш учун килограммдан бошқа, кичикроқ ўлчов бирлиги — граммдан фойдаланилади:

$$1 \text{ кг} = 1000 \text{ г}$$

1 кг, 2 кг, 5 кг ли тошлардан ташқари,

100 г 200 г 500 г

10 г 20 г 50 г

1 г 2 г 5 г

массали тошлардан фойдаланилади.



Массаси
1 г



Массаси
2 г



Массаси
3 г



Массаси
5 г

867. 8 г ҳосил қилиш учун қандай тошларни олиш керак?
 75 г (300 г, 445 г, 800 г, 900 г) ҳосил қилиш учун-чи?
868. 500 г шакар торт, 200 г ун торт.
869. Тарозининг бир палласида 50 г, иккинчи палласида 5 тийинликдан 5 та танга ва 3 тийинликдан 10 та танга бор. Тарози мувозонатдами? Текшир.
870. Синф кутубхонаси учун октябрятлар китоблар олиб келишди ва уларни шкафга жойлашди. Шкафнинг иккита токчасига 20 тадан, тўртта токчасига 25 тадан китоб қўйишди. Октябрятлар ҳаммаси бўлиб нечта китоб келтиришган?
871. Пионерлар лагерига икки автобусда 100 та болани олиб бориш керак. Ҳар бир автобусда 25 тадан ўрин бўлиб, ҳамма болалар ўтириб кетишлари лозим. Бу автобусларнинг ҳар бири шаҳардан лагерга неча марта қатнаши керак?

Мустаҳкамлаш учун машқлар.

1. Ҳисобла. Ҳар бир устунга яна иккитадан мисол туз:

$$\begin{array}{ccccc} 1) & 12 \cdot 2 & 13 \cdot 2 & 14 \cdot 2 & 15 \cdot 2 \\ & 12 \cdot 3 & 13 \cdot 3 & 14 \cdot 3 & 15 \cdot 31 \\ 2) & 7 \cdot 10 & 8 \cdot 12 & 9 \cdot 11 & 5 \cdot 18 & 4 \cdot 22 \\ & 7 \cdot 11 & 8 \cdot 11 & 9 \cdot 10 & 5 \cdot 17 & 4 \cdot 23 \\ & 7 \cdot 12 & 8 \cdot 10 & 9 \cdot 9 & 5 \cdot 16 & 4 \cdot 24 \end{array}$$

2. Қуийдаги ифодалардан фойдаланиб, түғри тенглик ва тенгсизликтер туз:

$$72:9, \quad 81:9, \quad 35:5, \quad 56:7, \quad 63:7, \quad 42:6$$

Намуна:

$$\begin{array}{ll} 72:9 < 81:9 & 72:9 = 56:7 \\ 8 < 9 & 8 = 8 \end{array}$$

3. Ҳисоблашларни текшир. Нотүғри ечилган мисолларни ёзиб ол ва уларни түғрилаб еч

$$\begin{array}{lll} 96:12=8 & 55:6=8(7 \text{ қолд.}) & (75-5):70=1 \\ 80:20=40 & 63:9=6(9 \text{ қолд.}) & (64-4)\cdot 0=60 \end{array}$$

4. Доиравий мисолларни еч:

$$\begin{array}{lll} 72:3 & 4 \cdot 15 & 96:12 \\ 88:22 & 8 \cdot 11 & 24 \cdot 4 \\ & & 12 \cdot 6 \\ & & 60:5 \end{array}$$

$$\begin{array}{lll} 7 \cdot 8 + 9 \cdot 3 & 40 + 5 \cdot 2 - 18 & 65:13 - 90:18 \\ 18 - 8:2 \cdot 3 & 81 + 9:3 - 29 & 19 \cdot 4 - 80:16 \end{array}$$

$$\begin{array}{lll} 60:15 \cdot 19 - 28 & 29 \cdot 2 - 19 + 34 & 80 - 10 \cdot 2 + 17 \\ 27 \cdot 3:9 + 36 & 48:16 + 39 - 27 & 13 + 7 \cdot 2 - 8 \end{array}$$

7.

a			40	30
b	20	3		
$a+b$	46	69	54	75

c			60	79
d	8	30		
$c-d$	17	50	40	70

8. Календардан фойдаланиб масалаларни еч.

1) Октябрятлар бу йил гүнгүртадар шаҳарга 17 марта учиб келганини, чуғурчиқлар эса 13 кун кейин учиб келганини аниқладилар. Чуғурчуқлар қачон учиб келган?

2) Редиска уруғи сепилганидан 4 ҳафтадан кейин пишиши мумкин. Агар редиска 15 майда (5 июнда) пишган бўлса, унинг уруғи қачон сепилган?

9. Соатнинг (сутканинг) $\frac{1}{2}, \frac{1}{3}, \frac{1}{4}, \frac{1}{6}$ қисми-ни топ.

10. Энг кичик уч хонали сон билан энг катта икки хонали соннинг йиғиндисини топ.

11.  $485 * 486$ $305 * 35$ $185 * 815$
 $500 * 499$ $96 * 960$ $218 * 228$

12. $300 + 40 + 8$ $847 - 40 - 7$ $500 + 70 + 1$
 $200 + 30 + 4$ $938 - 30 - 8$ $830 - 30 - 1$

13. 5, 6, 7, 0 рақамларидан фойдаланиб, мумкин бўлган ҳамма уч хонали сонларни ёз.

14. 200 ва 300, 700 ва 800, 100 ва 1000 сонлари орасида нечта сон бор?

15. 746, 830, 521, 374, 926 сонларида нечта юз бор? Шу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўн бор?
16. Бир спортчи лангарчўп билан 500 см га, иккинчиси 600 см га сакради. Сакраш баландликларини метр билан ифодала.
17.  4 м 07 см * 7 м 04 см 200 г * 2 кг
3 м 2 дм * 2 м 30 см 936 г * 1 кг
18. Учта бир хил қаторда 90 туп дараҳт бор. Пионерлар биринчи қатордан 10 туп дараҳтни, иккинчи қатордан 8 туп дараҳтни қазиб олдилар. Қуйидаги ифодалар нима ни англатади:

$$90:3 \quad 10+8 \quad 10-8 \quad 90:3-10 ?$$

19. Нима катта: сутканинг $\frac{1}{2}$ қисмими ёки $\frac{1}{3}$ қисмими? Неча соат катта? Нима кам соатнинг $\frac{1}{4}$ қисмими ёки $\frac{1}{3}$ қисмими? Нечча минут кам?
20. $400+(96:4)$ $200+80:5$ $678-6\cdot13$
 $600+81:3$ $500+(38+22)$ $194-4\cdot25$

21. Қавсларни шундай қўйки, тенгликлар тўғри бўлсин:

$$63-33:3=10 \qquad \qquad \qquad 100-36+24=40$$

$$90-60:30=1 \qquad \qquad \qquad 86-50-36=72$$

22. $36:4\cdot7+17$ $90-(6+7)+9$ $75:25+3\cdot17$
 $81:9\cdot6-20$ $10+27\cdot3-6$ $6\cdot12-88:22$

- 23.** $\square + 0 = 5$ $\square + 9 = 9$ $\square \cdot 6 = 6$ $\square : 8 = 1$
 $\square - 0 = 8$ $\square - 7 = 0$ $\square \cdot 4 = 0$ $\square : 5 = 0$
- 24.** 1) Ифодаларнинг қийматларини топ:
 $35 + 47 \cdot 0$ $21 + 77 : 7$ $52 - 32 : 4 + 12$
 $64 - 37 : 1$ $96 - 88 : 4$ $84 - 24 : 6 + 18$
2) Қавслар ёрдамида берилган ифодаларнинг амаллар тартибини ўзгартир ва уларнинг қийматларини топ.
- 25.** Агар квадрат шаклидаги дастрўмолнинг бир томони 20 см бўлса, четларига тикиш учун 1 м тўр етадими? 25 см бўлса-чи?
- 26.** Масалаларни турли усуллар билан еч:
1) Мактаб ошхонасида навбатчилик қилувчилар учун қизлар 6 та халат ва 6 та фартук тикишиди ва ҳар бир халатга 3 метрдан, ҳар бир фартукка 2 метрдан газлама сарфлашди. Тикилган нарсаларнинг ҳаммасига қанча газлама кетган?
2) Буфетда тушгача 5 та уч литрлик банка шарбат сотилди, тушдан кейин эса 4 та шундай банка шарбат сотилди. Буфетда бир кунда неча литр шарбат сотилган?

Қўшиш ва айриш.

(оғзаки ва ёзма ҳисоблашлар).

$$600 + 300$$

$$6 \text{ юз} + 3 \text{ юз} = 9 \text{ юз}$$

$$600 + 300 = 900$$

$$600 - 300$$

$$6 \text{ юз} - 3 \text{ юз} = 3 \text{ юз}$$

$$600 - 300 = 300$$

872. $500 + 200$ $200 + 200 + 200 + 200$
 $900 - 400$ $800 - 200 - 200 - 200$

873. Қуйидаги сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёз:

$$835 = 800 + 30 + 5 \quad 904 = \dots \quad 340 = \dots \quad 576 = \dots$$

874. Ёзувга қара ва ечишни тушунтириш:

$$450 + 300 =$$

$$= (400 + 50) + 300 =$$

$$= 700 + 50 = 750$$

$$450 - 300 =$$

$$= (400 + 50) - 300 =$$

$$= 100 + 50 = 150$$

875. Оғзаки тушунтириш билан еч:

$$\begin{array}{llll} 800 - 500 & 460 + 200 & 540 + 20 & 806 + 3 \\ 600 + 200 & 570 - 300 & 250 - 30 & 709 - 4 \end{array}$$

876. Туристлар 60 км йўлни қайиқда сузишди, пиёда эса қайиқда сузган йўлнинг $\frac{1}{2}$ қисмини ўтишди. Туристлар неча километр пиёда юришган?

877. Бир тўп газламадан ҳар бирига 2 м дан кетказиб, 12 та болалар плаши тикиш мумкин. Агар ҳар бир катталар плашига 4 м дан кетса, шу тўпдаги газламадан нечта катталар плаши чиқади?

878. Ёзувни қара ва ечишни түшүнтири:

$$\begin{aligned}840 + 60 &= \\&= (800 + 40) + 60 = \\&= 800 + 100 = 900\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}800 - 30 &= \\&= (700 + 100) - 30 = \\&= 700 + 70 = 770\end{aligned}$$

879. $360 + 30 \quad 480 + 20 \quad 840 - 300 \quad 570 - 300$
 $470 - 40 \quad 500 - 90 \quad 890 + 10 \quad 900 - 40$
 $210 + 80 \quad 360 + 40 \quad 600 + 200 \quad 200 - 70$
 $320 - 10 \quad 900 - 90 \quad 750 - 100 \quad 280 + 20$

880. Автомобиль заводи дүшанба куни 480 та, сеңсанба куни эса ундан 20 та ортиқ машина чиқарди. Завод шу икки кунда нечта машина тайёрлаб чиқарган?

881. $3 \cdot 18 + 46 \quad 33 \cdot 3 - 57 \quad (86 - 50) : 6$
 $24 \cdot 4 - 78 \quad 72 : 12 + 24 \quad (49 + 32) : 9$
 $40 : 4 + 6 \quad 48 : 4 - 3 \quad (18 + 45) : 9$

a	68	91	72	48	56	90	80
c	17	13	9	3	14	18	16
$a:c$							

883. Ишчи 7 соатда ўз станогида 84 та бир хил деталь тайёрлади. Унинг 72 та шундай деталь тайёрлаб чиқариши учун қанча вакт керак бўлади?



Агар йиғиндидан қўшилувчилардан бири айрilsа, иккинчи қўшилувчи ҳосил бўлади:

$$7 + 8 = 15 \quad 15 - 8 = 7 \quad 15 - 7 = 8$$

Бундан фойдаланиб, қўшилувчи номаълум бўлган тенгламани ечиш мумкин.

Масалан: $x + 6 = 38$ Текшириш:
 $x = 38 - 6$ $32 + 6 = 38$
 $x = 32$ $38 = 38$

884. Тенгламаларни юқоридагича еч ва текшир:

$$x + 7 = 29 \quad 8 + x = 30 \quad x + 6 = 54$$

885. Ифодага қараб масала туз:

$$270 + (270 - 70).$$

886. Ўқувчилар 30 жўяқ лавлаги ва 40 жўяқ сабзи ўташлари керак эди. Улар 18 жўяқ лавлаги ва 16 жўяқ сабзини ўташди. Улар яна қанча жўякни ўташлари керак?

887. $440 + 30$ $350 + 20$ $340 + 60$ $500 - 50$
 $380 - 200$ $400 - 80$ $560 - 40$ $700 - 70$

888. $28 + 12 : 4 \cdot 5$ $50 - (40 - 12) : 4$ $(68 + 24) : 4$
● $57 - 7 \cdot 4 : 14$ $45 + (18 - 9) \cdot 3$ $(50 + 25) : 5$

Уч хонали сонларни қўшишда мисолни икки хонали сонларни қўшишдагидек устун қилиб ёзиш қулай ва олдин бирларни, кейин ўнларни ва ниҳоят, юзларни қўшиш керак.

889. Ечишни түшүнтири:

$$\begin{array}{r} + 34 \\ \hline 53 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 534 \\ \hline 253 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 480 \\ \hline 115 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 645 \\ \hline 230 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 320 \\ \hline 450 \end{array}$$

890. Мисолларни қандай қилиб устун шаклида ёзиши түшүнтири ва уларни еч:

$$216 + 32 \quad 45 + 723 \quad 320 + 56$$

891. Мисолларни устун шаклида ёз ва уларни еч:

$$\begin{array}{llll} 53 + 324 & 148 + 401 & 222 + 22 & 560 + 36 \\ 412 + 217 & 24 + 243 & 307 + 351 & 831 + 61 \end{array}$$

892. Спорт байрамида 450 қиз ва 500 ўспирин катта программа билан қатнашди. Бу байрамда ҳаммаси бўлиб қанча спотчи қатнашган?



$$\begin{array}{lll} 893. \quad 3 \cdot 8 : 2 + 38 & 36 : 9 + 54 : 6 & 32 \cdot 3 - 46 : 2 \\ 75 - 4 \cdot 7 + 19 & 42 : 6 - 32 : 8 & 86 : 2 - 18 \cdot 2 \\ 64 + 32 - 2 \cdot 9 & 72 : 8 \cdot 3 + 35 & 27 \cdot 2 - 56 : 4 \end{array}$$

894. Каримнинг буваси 68 ёшда, отаси бувасидан 2 марта ёш, Карим эса отасидан 26 ёш кичик. Карим неча ёшда?

895. Тенгламаларни еч: $x+8=42$ $9+x=50$

896. Учта бир хонали жуфт сон ёз. Ҳар бир
● сонни 12 марта орттири.

«Лабиринтлар» үйини.



Сонни күпайтувчилар ёрдамида ҳосил қил.

Масалан:

$$4 \cdot 3 \cdot 2 = 24.$$



897. Ечишни түшүнтири:

$$\begin{array}{r} + \\ 57 \\ 23 \\ \hline 80 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + \\ 157 \\ 423 \\ \hline 580 \end{array}$$

Йиғиндини ҳисобла: $264 + 542$

Бундай түшүнтири:

1) Ёзаман...

2) Бирларни құшаман...

+	2	6	4
	5	4	2
	806		

3) Үнларни құшаман: $6 + 4 = 10$,

10 та \checkmark н = 1 та юз.

Үнлар остига 0 ни ёзаман, 1 та юзни эсда сақлайман ва юзларга құшаман.

4) Юзларни құшаман: $2 + 5 = 7$, яна 1 бор, 8 ҳосил бўлади. 8 ни юзлар остига ёзаман.

5) Жавобни үқийман: 806 .

898.	$127 + 503$	$620 + 83$	$53 + 337$	$446 + 160$
	$264 + 306$	$732 + 64$	$27 + 843$	$520 + 260$

899. Бир ўғил бола билан бир қиз бола күпrikнинг узунлигини ўлчамоқчи бўлишди. Улар күпrikнинг икки бошидан бир-бirlарига қараб қадамлаб ўлчаб келишди. Улар учрашгунча ўғил бола 28 қадам, қиз бола эса 22 қадам босди. Агар уларнинг ҳар 2 қадами 1 метрга teng бўлса, күпrikнинг узунлиги неча метр?

900. $56:14 + 90:5 = 90:15 \cdot 8 - 9 = 91:13$
 $28 - 8 \cdot 7:2 = 9 + 9:3 \cdot 7 = 98:14$

901. Юсуф лагерда 3 ҳафта ва 4 кун бўлди. У лагерда ҳаммаси бўлиб неча кун бўлди?

902. Тенгламаларни еч: $7+x=32$ $x+6=24$



Агар айирма ва айрилувчи қўшилса, камаювчи ҳосил бўлади.

$$17 - 9 = 8 \quad 8 + 9 = 17$$

Буни билган ҳолда камаювчиси номаълум бўлган тенгламаларни ечиш мумкин.

Масалан: $x - 5 = 27$	Текшириш:
$x = 27 + 5$	$32 - 5 = 27$
$x = 32$	$27 = 27$

903. Қуйидаги тенгламаларни ҳам шундай еч ва текшириш:

$$x - 5 = 19 \quad x - 28 = 7 \quad x - 16 = 8$$

904. Мактабдаги жанговар шон-шүхрат музейига ҳафта ичида ҳар бирида 30 ўқувчидан бўлган 3 та биринчи синф ва ҳар бирида 35 ўқувчидан бўлган иккита иккинчи синф кирди.

Масалага савол қўй ва уни еч.

905. Ўқувчи масала ва мисоллар ечишга 30 минут сарфлади. Агар ўқувчи масала ечишга 6 минут, ҳар бир мисолни ечишга 2 минут сарфлаган бўлса, у нечта мисол ечган?

906. Энг катта уч хонали сон билан энг кичик бир хонали соннинг йиғиндисини топ.

907. $350 + 153$ $627 + 180$ $708 + 122$
 $648 + 32$ $530 + 470$ $530 + 240$
 $154 + 233$ $63 + 127$ $281 + 28$

908. Қолдиқли бўлишни бажар:

• $74:9$ $39:4$ $59:8$ $(32+19):7$
 $68:8$ $43:7$ $55:6$ $(27+28):8$

Агар камаювчидан айирма айрилса, айрилувчи ҳосил бўлади.

$$16 - 7 = 9 \quad 16 - 9 = 7$$

Буни билган ҳолда айрилувчиси номаълум бўлган тенгламаларни ечиш мумкин.

Масалан: $32 - x = 8$ Текшириш:

$$x = 32 - 8 \quad 32 - 24 = 8$$

$$x = 24 \quad 8 = 8$$

909. Қуйидаги тенгламаларни ҳам шундай еч ва текшир:

$$25 - x = 3 \quad 37 - x = 8 \quad 43 - x = 9$$

910. Ҳар донаси 2 сүмдан 12 та сочиқ ва 10 сүм га дастурхон сотиб олинди. Қуйидаги ифодалар нимани англалишини тушунтири:

$$10 - 2, \quad 10:2, \quad 2 \cdot 12, \quad 2 \cdot 12 + 10.$$

911. Бир сон иккинчи сондан неча марта ортиқлигини билиш талаб қилинадиган масала түз.

912. Бир сон иккинчи сондан қанча ортиқлигини билиш талаб қилинадиган масала түз.

913. Қолдиқлы бўлишни бажар:

55:9	38:7	84:9	28:5
78:8	40:6	67:7	19:4

914. Агар $c=8$, $c=12$, $c=1$, $c=9$ бўлса, c 8 кўпайтманинг қийматини ҳисобла.

